



2013 йил 23 май,  
пайшанба, 20 (496)-сон

# XASR



IJTIMOIY-SIYOSIY  
GAZETA

Газета 2004 йил  
1 январдан чиқа бошлаган,  
e-mail: axborot@xasr.uz, www.21asr.uz

TADBIRKORLAR VA ISHBILARMONLAR HARAKATI — O'ZBEKISTON LIBERAL-DEMOKRATIK PARTIYASI NASHRI



**Ижрони қатъий  
назоратга  
оламиз**

2 **КОНЦЕПЦИЯ**



**Муштарак  
мақсаддан — аниқ  
натижаларга**

5 **ҚҲЙИ  
БЎҒИНЛАРДА**



**Бирни кўриб фикр,  
бирни кўриб шуқр  
қилиш керак**

7 **ХАЛҚАРО ҲАЁТ**

«АЁЛЛАР  
ҚАНОТИ»

**УЧ МИЛЛАРД  
— АСЛИДА  
БИРИНЧИ  
ҚАДАМ, ХОЛЮС**



«Аёллар қаноти» томонидан Янгийул туманида ўтказилган навбатдаги ўқув-семинарда аёллар тадбиркорлигини ривожлантиришга қаратилган партиявий лойиҳалар иштирокчиларига 3 млрд. сўм миқдорда кредит ажратишда кўмаклашиш назарда тутилган тавқилданди.

— Бутун сафимизда 11 мингдан ортиқ О'zLiDeP аъзоси бўлиб, уларнинг 4,5 мингдан зиёдин хотин-қизлар ташкил этапти, — дейди О'zLiDeP Тошкент вилояти «Аёллар қаноти» бўлими бошлиғи Муассар Жамолдинова. — Уларнинг 2 минг нафардан ортиги тадбиркорлар, фермер аёлларидир. Бундан ташқари минглаб хотин-қизлар касаначилик асосида иш олиб боришга шайланган бўлса, 5 мингдан зиёд хонадон бекаси томорқасида деҳқон хўжалиги ташкил этиб, оилавий тадбиркорлик билан шуғулланапти.

4 >>>

НАЗОРАТ

**ПРОКУРАТУРА  
ТАДБИРКОРЛАР  
ИШОНЧИННИ  
ОҚЛАМОҚДА**

2012 йилда ишбилармон юрдошларимизнинг 1,7 минг муружаати атрофича ўрганилиб, уларнинг 84 фоизи қаноатлантирилди.

**Президентимиз Ислоом Каримовнинг тадбиркорлик фаолияти йўлига тўсиқ қўйиш, унга қарши чиқиш — бу давлат сиёсатида, Президент сиёсатида қарши чиқиш, деб баҳолаш керак,** деган сўзлари мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлигини ривожлантириш, бу йўлдаги сунъий тўсиқларни бартараф этиш, тадбиркорларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишнинг қафоллатига айланган, десак муболаға бўлмайди. Зеро, истиқлол йиллари иқтисодиётимиз таъинчи айланган, фаровонлигимиз қафоллати, дея баҳоланаётган ушбу соҳани қўллаб-қувватлаш том маънода давлат сиёсати даражасига кўтарилди.

3 >>>

## Оқсаройда қабул

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ ҚАРИМОВ 22 МАЙ КУНИ ОҚСАРОЙДА РАСМИЙ ТАШРИФ БИЛАН МАМЛАКАТИМИЗГА КЕЛГАН ҲИНДИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВИЦЕ-ПРЕЗИДЕНТИ ҲАМИД АНСОРИЙНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ**

Давлатимиз раҳбари мунтазам равишдаги Ўзбекистон-Ҳиндистон сиёсий мулоқоти томонларни қизиқтирган барча йўналишлар бўйича икки ва кўп томонлама ҳамкорликни изчил ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этаётганини таъкидлади. Сўҳбат чоғида Ўзбекистон билан Ҳиндистон ўртасида парламентларо алоқалар, савдо-иқтисодий, сармоявий ва маданий-гуманитар соҳалардаги ҳамкорликни кенгайтириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Учрашувда икки мамлакатнинг давлат тузилмалари ва ишбилармон доиралари ўзаро товарлар етказиб бериш ва хизмат кўрсатиши янада фаоллаштириш ва диверсификация қилишдан, иқтисодиётнинг ахборот технологиялари ва телекоммуникациялар, фармацевтика ва биотехнологиялар, енгил ва кимё саноати, шунингдек, углеводород хомашёси конларини ўрганиш ва ўзлаштириш каби юқори технологияли тармоқларида ўзаро фойдали қўшма ишлаб чиқариш объектиларини барпо этишдан манфаатдор экани қайд қилинди.

2012 йил якунига кўра икки томонлама товар айирбошаш ҳажми аввалги даврдаги кўрсаткичга нисбатан анча юқалиб, 201 миллион АҚШ доллари билан олган.

Асосий минтақавий ва глобал масалалар ечимига ёндашувларнинг ўхшаш ва яқинлиги томонларнинг халқаро ташкилотлар доирасидаги ҳамкорлигида муҳим асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Афғонистон муаммоси юзасидан фикр алмашув чоғида ушбу жафоқаш мамлакатда вазиётнинг барқарорлаштирилиши минтақамиз халқлари манфаатларига мос келиши ҳамда Марказий ва Жанубий Осиё давлатлари ўртасидаги ҳамкорликни кенгайтириш учун янги имкониятлар яратиши таъкидланди.

Томонлар Ўзбекистон-Ҳиндистон стратегик шериклигига доир бошқа масалаларни ҳам муҳокама қилдилар.

Ҳамид Ансорий самимий қабул учун давлатимиз раҳбарига миннатдорлик билдириб, Ҳиндистон раҳбарияти Президент Ислоом Каримовнинг 2011 йил май ойида Деҳлида давлат ташрифи асосида эришилган принципал келишувлар руҳида Ўзбекистон билан узоқ муддатли ва кўп қиррали ҳамкорликни янада ривожлантириш тарафдори эканини қайд этди.

Ў.А.



Саник ЗОИР олган сурат

## Гаров муносабатлари яхлит қонун асосида тартибга солинади

**О'ZLIDER ФРАКЦИЯСИ ЙИҒИЛИШИДА «МАМЛАКАТИМИЗДА ДЕМОКРАТИК ИСЛОХОТЛАРНИ ЯНАДА ЧУҚУРЛАШТИРИШ ВА ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ КОНЦЕПЦИЯСИ» АСОСИДА ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН «ГАРОВ РЕЕСТРИ ТЎҒРИСИДА»ГИ ҚОНУН ЛОЙИҲАСИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ**

Алоҳида таъкидлаш жоизки, мазкур қонун лойиҳасида гаровга қўйилган мол-мулкларни ҳисобга олишга хизмат қилувчи ягона базани ташкил этишнинг ҳуқуқий механизми белгиланиб, гаров

предметини ноқонуний сотиш ва бегоналаштиришнинг олдини олишга оид нормалар ўрин олган. Шунингдек, гаров бўйича маълумотлар ҳисобини юритиш, сақлаш ва алмашиш муносабатларини тар-

тибга солиш, мавжуд гаров таъминотлари бўйича ягона ахборот базасини ташкил этиш учун ҳуқуқий асослар яратилган.

2 >>>

ҲУҚУҚИЙ ЭКСПЕРИМЕНТ:

## Лойиҳа мукамаллигидан, энг аввало, О'zLiDeP электорати манфаатдор

ПРЕЗИДЕНТИМИЗ ИСЛОМ ҚАРИМОВНИНГ «ДАВЛАТ ҲОКИМИЯТИ ВА БОШҚАРУВИ ОРҒАНЛАРИ ФАОЛИЯТИНИНГ ОЧИҚЛИГИ ТЎҒРИСИДА»ГИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУНИ ЛОЙИҲАСИ СИНОВИ БЎЙИЧА ҲУҚУҚИЙ ЭКСПЕРИМЕНТ ЎТКАЗИШ ҲАҚИДА»ГИ ФАРМОЙИШИ ИЖРОСИНИ ТАЪМИНЛАШДА О'ZLIDERНИНГ УСТУВОР ВАЗИФАЛАРИ» МАВЗУИДАГИ ОЧИҚ МУЛОҚОТЛАРДА ТАДБИРКОРЛАР ҲАМ ФАОЛ ИШТИРОК ЭТМОҚДАЛАР

Бухорода ўтган тадбирда ахборот эркинлигини таъминлашдан туриб демократик жараёнларни чуқурлаштириш, аҳолининг сиёсий фаоллигини ошириш, фуқароларнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги фаол иштироки ҳақида сўз юритиш мушкул экани алоҳида таъкидланди.

— «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси»да бу соҳани янада эркинлаштириш ҳамда демократлаштириш мақсадида миллий қонуңчилигимизни такомиллаштиришга доир комплекс чора-тадбирлар белгилаб берилган, — деди

О'zLiDeP Бухоро вилоят кенгаши раиси вазифасини бажарувчи Фармон Аминов. — «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида»ги қонун лойиҳасининг қабул қилиниши эса ижро ҳокимияти органларининг ўз қарорлари сифати учун жаъобгарлигини ошириш, жамиятимизда фикрлар хилма-хиллиги, сўз ва ахборот эркинлигини янада кенгрок фойдаланиш имконини яратди.

— Мамлакатимизнинг икки вилоятида ўтказилган ҳуқуқий эксперимент ноб тажриба бўлиб, ижтимоий ҳаётнинг барча жаҳаларида амалга оширилаётган демократик туб ўзгаришларнинг манқатий даъвои ҳамдир, — деди Бухоро вилоят хўжалик суди раиси Шуҳрат Мамадиёров. — Сўз ва

ахборот эркинлиги, давлат ҳокимияти ҳамда бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлигини таъминлаш соҳасида илк бор қўланилаётган мазкур услуб, шубҳасиз, фуқароларнинг ахборот олиш бўйича конституциявий ҳуқуқларини кенгрок рўёбга чиқаришга хизмат қилади.

Самарқанда ўтган мулоқотда ҳам жамоатчилик назоратини амалга оширишда партия аъзолари ва электорат ролин кучайтириш, «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида»ги қонун лойиҳасини такомиллаштириш жараёнида О'zLiDeP аъзолари иштирокини фаоллаштириш ниҳоятда муҳим экани қайд этилди.

2 >>>

**БҲУНГИ  
СОНДА:**

**СИРДАРЁДА  
СМАРТФОНЛАР  
ИШЛАБ  
ЧИҚАРИЛАДИ**

2 - САҲИФАДА

**ҲИСОБ  
ПАЛАТАСИ  
ХУЛОСАЛАРИ  
ХАТОЛАРНИ  
ТУЗАТИШ  
ИМКОНINI  
БЕРАЯПТИ**

4 - САҲИФАДА

**БПТ КЎТАРГАН  
МАСАЛА  
СЕССИЯГА  
КИРИТИЛМОҚДА**

5 - САҲИФАДА

ҲУДУДАЛДАРДА

## Депутатлар ҳоким ҳисоботини эшитдилар

Халқ депутатлари Қашқадарё вилоят кенгаши сессиясида О'zLiDeP депутатлик гуруҳи ташаббуси билан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 31 октябрдаги «2012-2015 йилларда республика озиқ-овқат саноатини бошқаришни ташкил этишни янада такомиллаштириш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорининг ижроси юзасидан вилоят ҳокими Турбон Жўраевнинг ҳисоботи эшитилди.

Маълумки, кейинги йилларда Қашқадарё Ўзбекистоннинг саноати ривожланган ҳудудлардан бирига айланган. Замонавий техника ва технологиялар асосида рақобатбардор саноат маҳсулотлар ишлаб чиқариш йўлига қўйилган патижада янгидан-янги маҳсулотлар экспорти ҳам йўлга қўйилди. Президент Фармонлари, Вазирлар Маҳкамаси қарорлари ҳамда йирик давлат дастурлари ижросининг изчил таъминлаётгани воҳа аҳолиси фаровонлигига хизмат қилаётган.

Сессияда алоҳида таъкидланганидек, вилоятда янги ёғ-мой ва озиқ-овқат саноати корхоналари, шунингдек, гўшт-сут, мева-



сабзавот маҳсулотлари ва узумни қайта ишлаш корхоналарини барпо этиш, мавжудларини реконструкция ва модернизация қилишга йўналтирилган «2012-2015 йилларда озиқ-овқат саноатини кенгайтириш ва ривожлантириш чора-тадбирлари дастури» тасдиқланиб, уни рўёбга чиқариш бўйича аниқ режалар белгилаб олинган.

4 >>>

1 Австралия доллари	▼ 2034,08
1 Англия фунт стерлинги	▼ 3159,06
1 Дания кронаси	▼ 358,26
1 БАА дирҳами	▲ 565,74

1 АҚШ доллари	▲ 2077,92
1 Миср фунти	▼ 297,87
1 Исландия кронаси	▼ 16,87
1 Канада доллари	▼ 2021,52

1 Ҳингой юани	▲ 338,44
1 Малайзия рингити	▼ 688,85
1 Польша злотийси	▼ 640,07
1 СДР	▼ 3099,01

1 Туркия лираси	▼ 1129,37
1 Швейцария франки	▼ 2146,39
1 ЕВРО	▼ 2687,37
1 Украина гривнаси	▲ 259,97

10 Япония иенаси	▼ 202,49
1 Россия рубли	▲ 66,19
1 Украина гривнаси	▲ 259,97

# ПАРЛАМЕНТДА

## Гаров муносабатлари яхлит қонун асосида тартибга солинади

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада ◀◀

Озод РАЖАБОВ,  
«XXI asr»

Маълумки, гаров реестрини ташкил этишдан кўзла тутилган асосий мақсад гаров мулкига эгаллик ҳуқуқи бўлган шахслар учун ишончли гаров маълумотларини тўплаш, қайта ишлаш ва тақдим этиш, потенциал қарз олувчининг гаровга қўйилган мулкка гаров ҳуқуқи борлигини аниқлашдан иборатдир.

Кўчар мол-мулкдан гаров сифатида фойдаланиш ва тижорат банклари томонидан гаровга олинган мол-мулк асосида кредит тавakkалчилигини камайтириш ҳисобига кичик бизнесни ривожлантириш учун маблағлар ажратиш қўламлиги кенгайтириш ҳамда бу жараёни янада такомиллаштириш ҳам қонун лойиҳасининг асосий мақсади ҳисобланади.

— Ана шулардан келиб чиқиб, мазкур қонун лойиҳаси орқали гаров жараёни билан боғлиқ муносабатларни яхлит қонун даражасида тартибга солиш назарда тутилган. — дейди О`zLiDeP фракцияси аъзоси Клара Жумамуратова. — Жумладан, ягона маълумотлар базаси қўриқинидаги гаров таъминоти реестрини ташкил этиш, реестр сақловчисини, унинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, шунингдек, реестрда рўйхатга олинган таъминот турларини аниқлаш, активлар эгаси бўлган кредиторларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилашга алоҳида эътибор қаратилган. Бошқача айтганда, гаров реестри гаров маълумотларини электрон шаклда рўйхатга олади ва юрилади. Гаров маълумотини киритиш, ўзгартириш ва олиш телекоммуникацион тармоқлар орқали электрон шаклда амалга оширилади. Рўйхатдан ўтказиш ва гаров маълумотларини олишнинг соддаштирилган тартиби асосида дастурий таъминот воситасида реал вақт режимда гаров реестридан узлуксиз ва кечю-кунду фойдаланиш мумкин бўлади.

Қонун лойиҳасига мувофиқ, гаров реестрини юритиш давлат унитар корхонаси шаклида ташкил этиладиган идора томонидан амалга оширилади. Гаров реестрида гаров мол-мулки на-вбатлилик тамойили асосида рўйхатга олинади. Шунинг билан эътибор қилиш зарур, гаров реестрида гаровга қўйилган мол-мулкнинг рўйхатдан ўтказиш тизимининг мавжудлиги тадбиркорлик соҳасида кредит тавakkалчилигини камайтириш, кредиторлар манфаатларини янада кучлироқ ҳимоя қилишга имкон беради.

Йиғилишда янги таҳрирдаги «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси ҳам қизғин

баҳс-мунозаралар асосида муҳокама қилинди.

— Янги қонун лойиҳасида корпоратив бошқарув тизимини янада ривожлантириш, акциядорларнинг, жумладан, миноритар акциядорларнинг ҳуқуқий ҳимояланганлик даражасини ошириш, акциядорлар ва потенциал инвесторлар учун акциядорлик жамиятининг фаолияти тўғрисидаги ахборотлар ошқоралигини таъминлаш кўзда тутилган, — дейди О`zLiDeP фракцияси аъзоси Қувондиқ Ҳамраев. — Амалдаги қонунни таъкидлий ўрганиш натижасида акциядорлик жамиятларини ташкил этиш, устав фонднинг шакллантириш, қимматли қозғаларнинг бозор қийматини аниқлаш, жамиятнинг акцияларини оммавий тақриф этиш йўли билан жойлаштириш масалаларига жиддий эътибор қаратилганини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Қонун лойиҳасида акциядорлик жамиятларининг шаклланиши, яъни очик ва ёпиқ деган турларнинг чиқариб ташлаш, шу билан бирга, акцияларни очик ва ёпиқ обунга йўли билан жойлаштириш мумкинлиги кўзда тутилган бўлиб, акциядорлик жамияти уставида акс эттирилган мەсёрлар ҳам қисқартирилмоқда.

Бундан ташқари, жамият акциядорларининг умумий йиғилиши ёки кузатув кенгашининг қарорларини сурункали равишда бажармаслик ижро органи билан тузилган шартнома тугатиш (бекор қилиш)га акс бўлиши белгиланаяпти. Мазкур норма орқали жамиятнинг коллегиял ижроия органи аъзолари билан шартномаларни тузиш тартиби, яъни уларнинг функционал мажбуриятларини бажариши, етказилган зарар бўйича жамият ва акциядорлар олдидаги жавобгарлиги аниқлаштирилмоқда. Акциядорларнинг умумий йиғилиши ва коллегиял берилган масалалар бўйича тезкор қарор қабул қилиш мақсадида акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш муддатини 30 кундан 10 кунгача қисқартириш тақлиф этиляпти.

Миноритар акциядорларнинг қонуний манфаатларини таъминлаш мақсадида уларнинг жамиятни бошқаришдаги иштироки механизми, яъни бундай акциядорларнинг манфаатларини ифодаловчи, акциядорлар томонидан сайланадиган ва акциядорларнинг умумий йиғилишига бўйсунувчи миноритар акциядорлар қўмитасини ташкил этиш кўзда тутилган.

Миноритар акциядорларнинг муносабатларини кўриб чиқиш, улар манфаатларига зид равишда жамият томонидан тузилган битимлар бўйича ҳулосалар киритиш бундай қўмитанинг



Солтқун Раҳмонов

### ЯНГИ ҚОНУН ЛОЙИҲАСИДА КОРПОРАТИВ БОШҚАРУВ ТИЗИМИНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ, АКЦИЯДОРЛАР, ЖУМЛАДАН, МИНОРИТАР АКЦИЯДОРЛАРНИНГ ҲУҚУҚИЙ ҲИМОЯЛАНГАНЛИК ДАРАЖАСИНИ ОШИРИШ, АКЦИЯДОРЛАР ВА ПОТЕНЦИАЛ ИНВЕСТОРЛАР УЧУН ЖАМИЯТ ФАОЛИЯТИ ТЎҒРИСИДАГИ АХБОРОТЛАР ОШҚОРАЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ КЎЗДА ТУТИЛГАН.

асосий вазифаси сифатида белги-ланмоқда.

Мазкур қўмита миноритар акциядорларнинг ҳуқуқларини «жамоавий даъво аризалар» амалиёти жорий қилиш, гаражи ижро органи раҳбарларини суд тартибида четлаштириш, ноқонуний тарзда олинган ахборот асосида битимлар тузишга чекловлар қўйиш орқали ҳимоялашни курайтириш имконини беради.

Шунингдек, миноритар акциядорлар ҳуқуқларини кенгайтириш мақсадида қонун лойиҳасида акциядорларнинг на-вбатдан ташқари умумий йиғилиши жамият кузатув кенгашининг қарорига кўра, жамият акциядорларнинг камидан беш фоизга эга бўлган акциядорнинг талаби билан ҳам ўтказилиши белгиланмоқда. Таъкидлаш жоизки, амалдаги қонунда бу миқдор 10 фоиз этиб белгиланган.

Фракция йиғилишида, шунингдек, «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонуннинг янги таҳрири қабул қилинганини муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳаси ҳам биринчи ўқишда концептуал жиҳатдан маъқулланди ва муҳокама қилинган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

### Бозор

**СИРДАРЁДА СМАРТФОНЛАР ИШЛАБ ЧИҚАРИЛАДИ**

Жорий йил ёздан бошлаб Сирдарё вилоятида UzTE бренди остида уяли телефонлар ишлаб чиқариш режалаштирилмоқда. Вилоят ҳокимлигининг Иқтисодиёт бош башқармаси мутахассисларининг таъкидлашича, хитойлик ҳамкорлар иштирокида йилга 100 минг дона смартфон ишлаб чиқариш қувватига эга заводни ишга тушириш учун 3 миллион доллар миқдорда маблағ сарфланди.

Маҳаллийлаштириш дастури доирасида ишлаб чиқариладиган смартфонлар сифатлиги ва арзон нархи билан харидоргир бўлиши айтилмоқда. Хусусан, GRAND-V, GRAND-X ва GRAND-M номлари остида савдога чиқариладиган мазкур телефонлар Android операцион тизимининг энг сўнгги версиясида ишлайди. Бу эса смартфонлар бозорига етакчилик қилаётган iPhone ва Samsung маҳсулотлари билан бемалол рақобатлаша олиш имконини беради.

## Ҳуқуқий эксперимент:

### Лойиҳа мукамаллигидан, энг аввало, О`zLiDeP электорати манфаатдор

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада ◀◀

О`zLiDePнинг вилоят, туман ва шаҳар кенгашларидаги маъсул ходимлари, депутатлар, Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти виллоят бўлими вакиллари иштирок этган тадбирда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты Фахриддин Зоиров сўзга чиқиб, ҳуқуқий экспериментнинг мазмун-моҳияти муайян ҳудуддаги давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг реал фаолиятида қонун лойиҳасини синовдан ўтказишдан иборат эканини таъкидлади.

— Бунда давлат тузилмаларидан ташқари оммавий ахборот воситалари, фуқаролик

жамиятининг бошқа институтлари, уларнинг фаолияти ҳақида ахборот олишдан манфаатдор юридик ҳамда жисмоний шахслар ҳам мазкур тажрибанинг иштирокчилари ҳисобланади, — деди Ф.Зоиров.

— Юртбошимиз фармойишида қонун лойиҳасини синаб кўриш вазифаларини комплекс равишда амалга оширишга қаратилган чоралар ҳам аниқ белгилаб қўйилган, — деди О`zLiDeP Самарқанд вилоят кенгаши раисининг биринчи ўринбосари Илҳом Ботиров. — Кенг жамоатчилик, фуқаролик жамияти институтларини тажрибанинг бориши, жисмоний ва юридик шахслар

учун ахборот олишнинг янги имкониятлари ҳақида ўз вақтида хабардор қилиб бориш ҳам шулар жумласидандир.

Тадбир давомида «Ҳуқуқий эксперимент — қонун ижодкорлиги самарасини оширишнинг муҳим шакли», «Экспериментнинг кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолиятидаги аҳамияти» мавзуларда маърузалар ҳам тинланди. Мазкур масаланинг О`zLiDeP учун ниҳоятда муҳим экани инобатга олиниб, партиянинг қонун лойиҳаси синови жараёнидаги иштирокчи оид Ҳаракат дастури тасдиқланди ва уни амалга ошириш бўйича тарғибот гуруҳлари тuzилди.

## Ижро жараёнини қатъий назоратга оламиз

### ЖОРИЙ ЙИЛНИНГ 23 АПРЕЛИДАН ЯНГИ ТАҲРИРДАГИ «ФУҚАРОЛАРНИНГ ҲУҚУҚИЙ ҲИМОЯЛАНГАНЛИК ДАРАЖАСИНИ ОШИРИШ, АКЦИЯДОРЛАР ВА ПОТЕНЦИАЛ ИНВЕСТОРЛАР УЧУН ЖАМИЯТ ФАОЛИЯТИ ТЎҒРИСИДА»ГИ ҚОНУНИ КУЧГА КИРДИ

Юртбошимиз томонидан тақдим этилган «Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси»да маҳалла фаолиятининг ҳуқуқий асосларини янада такомиллаштириш, унинг вазифалари қўламини кенгайтириш, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари билан ўзаро яқин ижтимоий ҳамкорлик муносабатларини ривожлантириш мақсадида «Фуқароларнинг ҳуқуқий ҳимояланганлиги тўғрисида»ги қонунга тегишли ўзгартириш ҳамда қўшимчалар киритиш лозимлиги белгилаб берилган эди.

Мазкур вазифанинг ижроси сифатида «Фуқароларнинг ҳуқуқий ҳимояланганлиги тўғрисида»ги қонуннинг янги таҳрири қабул қилиниб, 2012 йилнинг 23 апрелида матбуотда эълон қилинган қонун бозорига кучга кирди. Эътиборли томони, муҳокама жараёнида О`zLiDeP фракцияси аъзолари қонунга киритилаётган янги нормалар партиянинг дастурий мақсадлари билан ҳамоҳанг экани, мамлакатимизда амалга ошириладиган иқтисодий ислоҳотлар жараёнида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни, жумладан, оилавий тадбиркорлик ва хўнрамчиликни ривожлантириш янги иш ўринларини ташкил этишга хизмат қилишини, бу соҳада фуқароларнинг ҳуқуқий ҳимояланганлиги тўғрисидаги қонун лойиҳасининг қўшимчалари билан бир қаторда, уни амалга ошириш шакллари ҳамда кафолатларини белгиловчи алоҳида янги (16-модда) мода киритилди.

Иккинчидан, қонун қабул қилишда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг жамоатчилик назорати соҳасидаги функцияларини янада кучайтиришга жиддий эътибор қаратилди. Мисол учун, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига жамоатчилик назоратини амалга ошириш бўйича қўшимча ваколатлар бериш билан бир қаторда, уни амалга ошириш шакллари ҳамда кафолатларини белгиловчи алоҳида янги (16-модда) мода киритилди.

Мазкур модданинг киритилиши О`zLiDeP электорати бўлган тадбиркорларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишда катта аҳамиятга эга эканини алоҳида қайд этиш лозим. Зеро, Ўзбекистон Республикаси Конституциясида асосан ҳар бир шахсга мулкдор бўлиш ҳуқуқи берилгани, соҳага оид мустақам қонунчилик базасининг яратилгани, мулкка эгаллик тўғрисидаги шаклланиш пировардида бозор муносабатларини янада такомиллаштиришга пухта замин яратди.

Депутатларимизнинг мутасадди ташкилотлар билан ҳамкорликда тайёрлаган таҳлилларга кўра, ушбу жараёнда ижобий натижа қаторида айрим камчиликлар ҳам мавжудлиги аниқланди. Хусусан, тадбиркорликни бошлаётган юридик шахслар фаолиятига ноқонуний аралашувлар, банклардан кредитлар олиш жараёнидаги муаммолар, фермер хўжалиқларига моддий-техника ресурсларини етказиб беришдаги сусткашликлар,



**Барчиной МАШАРИПОВА,**  
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати,  
О`zLiDeP фракцияси аъзоси

амалга оширишда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ваколатларини кенгайтириш бўйича қўшимчалар ўз аксини топди. Хусусан, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан 14 ёшга фарзанди бўлган оилаларга, бола икки ёшга тўлгунга қадар унинг парвариши учун бериладиган нафақалар, кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам тайинлаш ва тўлаш механизмлари аниқ белгилаб қўйилди.

Учунчидан, қонунда маҳаллани кичик бизнес, шу жумладан, оилавий тадбиркорлик ва хўнрамчиликни ривожлантириш марказига айлантиришнинг ҳуқуқий асосини янада мустаҳкамлашга жиддий эътибор қаратилган. Хусусан, бу йўналишда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига маҳаллалар ҳудудда хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга кўмаклашиш мақсадида тегишли маслаҳат марказларини ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилиш бўйича қўшимча ваколатлар берилди.

Фуқаролар йиғинлари ҳузурдаги маслаҳат марказлари ўз бизнесини очмоқчи бўлганлар учун қисқа муддатли курслар ташкил этиб, тадбиркорлик субъектлари учун мавжуд имтиёз ва преференциялар ҳақида батафсил маълумотлар тақдим этиб, ҳудудда истиқомат қилувчиларга тадбиркорлик фаолиятини ташкил этишда ҳар томонлама кўмаклашиши лозимлиги ҳам қонуннинг алоҳида моддасида (17-модда) ўз аксини топди.

Бир сўз билан айтганда, янги таҳрирдаги «Фуқароларнинг ҳуқуқий ҳимояланганлиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг қабул қилиниши мамлакатимизда амалга оширилаётган «Кучли давлатдан кучли фуқаролик жамияти сари» тамойилининг муваффақиятини таъминлаш, мамлакатни янгилаш ва модернизация қилиш бўйича олиб борилаётган ислоҳотларни янада чуқурлаштириш жараёнидаги дадил қадамдир, десак мулоҳаза бўлмайди.

## МАТБУОТ АНЖУМАНИ

### ТИББИЁТ СОҲАСИГА МАБЛАҒ ТЕЖАЛМАЯПТИ

Республика ихтисослашган эндокринология илмий-амалий тиббиёт маркази йод танқислиги ҳолатларини бартараф этиш, қанд касаллиги, қалқонсимон безлар патологиясини даволаш ҳамда уларга ташхис қўйишнинг замонавий йўллари излаб топиш билан шуғулланувчи ягона муассаса ҳисобланади. Маълумотларга кўра, ўтган йили марказ ва унинг вилоятлардаги шифохоналарини реконструкция қилиш ҳамда таъмирлашга 2,5 миллиард сўм ажратилган бўлса, уларнинг моддий-техник базасини яхшилашга 3,5 миллион АҚШ доллари миқдоридан маблағ сарфланган. Бундан ташқари қандли диабетга чалинган беморларни даволашда муҳим аҳамият касб этувчи инсулин дори воситалари билан таъминлашга 1 миллион АҚШ долларидан зиёд маблағ ажратилган.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги ташаббуси билан Миллий матбуот марказида «Ўзбекистон эндокринологияси: кеча, бугун ва эртага» мавзуга бағишланган анжуманда ана шу рақамлар тилга олинди. Тадбирда, шунингдек, марказда феохромоцитомга, алдостеромга, кортикоостеромга, инсулинома каби оғир касалликлар жарроҳлик амалиёти орқали даволанаётгани, бундан ташқари, республика миқёсида 14 та эндокринологик диспансер ва 500 дан зиёд махсус хона фаолият юритаётгани таъкидланди.

**Равайн ХАЙДАРОВ.**



# НАЗОРАТ

## Депутатлар ҳоким ҳисоботини эшитдилар

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада ◀  
**Сайфулла ИКРОМОВ,**  
«XXI asr»

2012 йилда 1,5 млн. тонна сабзавот, поллиз, мсва, узум ва картошка, 236 минг тонна гўшт, 897 минг тонна сут етиштирилгани, 128 минг тонна мсва-сабзавот, 21,8 минг тонна гўшт, 79,5 минг тонна сут маҳсулотлари қайта ишлангани ҳам ана шу дастурнинг ҳаётга изчил татбиқ этилаётгани натижасидир.

Дастурга кўра, 2012-2015 йиллар давомида Қарши ва Косон ёғ-экстракция жамиятларида дезодорация ва экстракция цехларини модернизация қилиш ҳамда шрот омборини қуриш белгиланган бўлиб, бугунги кунда Қаршида 592 минг АҚШ доллари, Косонда 1 млн. АҚШ доллари миқдорда қурилиш-монтаж ишлари бажарилди ёки ажратилган маблағнинг 70 фоизи ўзлаштирилди. Бундан ташқари 2012 йилда режалаштирилган 9 та (4 та янги, 5 та модернизация) қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш лойиҳаларини амалга оширишга қарий 1 млрд. сўмлик инвестиция йўналтирилди. Жумладан, 4 та мсва-сабзавот, 4 та сут ва 1 та гўшт маҳсулотларини қайта ишлаш лойиҳалари якунига етказилди.

Китоб туманидаги «Аслонбек Одилович» хусусий корхонасида сутни қайта ишлаш, Шаҳрисабз туманидаги «Болтаев Қаҳрамон» хусусий корхонаси ва «Оқташ-ма ижодкори» фермер ҳўжалигида мсва-сабзавот маҳсулотларини қайта ишлаш линиялари ишга туширилди. Шунингдек, Шаҳрисабз туманидаги «Сабнур КЕШ» хусусий фирмасида гўштни қайта ишлаш ва «Шаҳрисабз шарбатлари» хусусий корхонасида томат пастаси ишлаб чиқариш, Косон туманидаги «Алибобо орузи» ва «Наврўз» сутни қайта ишлаш корхоналари, Фузор туманидаги «Фанна-Класс» МЧЖда модернизация ишлари бажарилди. Натижада мсва-сабзавотни қайта ишлаш 2400 тоннага, гўштни қайта ишлаш 550, сутни қайта ишлаш эса 2100 тоннага кўпайди.

2013 йилда эса жами 7 та, шу жумладан, 2 та мсва-сабзавот, 2 та сут ва 3 та гўшт маҳсулотларини қайта ишлаш лойиҳаларини амалга ошириш режалаштирилган. Хусусан, жорий йилнинг биринчи чорагида Косон туманидаги «Бону Косметикс» МЧЖда 70 млн. сўмлик мсва-сабзавот ҳамда узум маҳсулотларини қайта ишлаш ва қуриш ускуналарини ўрнатилиши туфайли 334



ТУРОБЖОН ЖўРАЕВНИНГ ҲИСОБОТИДА ҚАЙД ЭТИЛИШЧА, 2013 ЙИЛНИНГ УТГАН УЧ ОЙИДА ЙИЛИГА 1600 ТОННА МЕВА, 190 ТОННА СУТ, 30 ТОННА ГўШТ, 200 ТОННА НОАНЪАНАВИЙ (МАХСАР ВА СОЯ) МОЙЛИ ЭКИНЛАРНИ ҚАЙТА ИШЛАШ ҚУВВАТЛАРИ ИШГА ТУШИРИЛИБ, ОЗИҚ-ОВҚАТ САНОАТИДА МАҲСУЛОТЛАР ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ҲАЖМИ 15,8 ФОИЗГА ўСДИ.

минг АҚШ доллари миқдоридagi маҳсулот экспорт қилинди.

Касби туманидаги «Рўзиев Жамшид» ва Қарши шаҳридаги «Оксан инвест плюс» корхоналарида мсва-сабзавот ва гўштни қайта ишлаш ускуналарини ўрнатиш ишлари якунланди. Шаҳрисабз туманидаги «Кеш азиз шифо» ва Косон ёғ-экстракция жамиятида гўшт ва сутни қайта ишлашни ташкил этиш учун бинолар қурилиши нияҳоясига етказилди. Касби туманидаги «Ихлос ҳалол пишлоқ» ва Қарши туманидаги «Қовчин савдо ишлаб чиқариш» корхоналарида эса сут ва гўшт маҳсулотларини қайта ишлаш лойиҳаларини бўйича ускуналарни сотиб олиш учун зарур кредит маблағлари ажратилиш масаласи тижорат банкларига кўриб чиқилмоқда.

Қашқадарё вилояти ҳокими Туробжон Жўраевнинг ҳисоботида қайд этилишича, 2013 йилнинг утган уч ойида йилига 1600 тонна мева, 190 тонна сут, 30 тонна гўшт, 200 тонна ноанъанавий (махсар ва соя) мойли экинларни қайта ишлаш қувватлари ишга туширилиб, озиқ-овқат санаоти-

да маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажми 15,8 фоизга ўсди. Жорий йилнинг 1 апрель ҳолатига гўштни қайта ишлаш корхоналари 25 тага, сутни қайта ишлаш корхоналари 80 тага, мсва-сабзавотни қайта ишлаш корхоналари эса 52 тага етказилди. Аҳолининг санаот усуларида қайта ишланган озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талаби ўртача 45,1 фоизга таъминланиб, 2012 йилнинг мос даврига нисбатан 6,6 фоизга оширилди. Буларнинг барчаси аҳолининг озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжларини қондиришга ҳамда қишлоқ аҳолисини таъминлаш жоиз.

Сессияда кўрилган масала юзасида халқ депутатлари вилоят кенгашидаги О'zLiDeP депутатлик гуруҳи раҳбари, Талимаржон ИЭС бош муҳандиси ўринбосари Зафар Болтаев, Шаҳрисабз туманидаги «Пахлавон» ташхис маркази раҳбари, депутат Улоҳ Ярашев ва бошқалар сўзга чиқиб, мсва-сабзавот ва узум маҳсулотларини етиштириш ҳамда қайта ишлашга ихтисослашган корхоналар, хусусий

фирма эгалари, ёш тadbirkorларнинг ҳуқуқий-иқтисодий билимларини ошириш, интенсив боғ ташкил этмоқчи бўлган фермерларга замонавий минитехнологиялар, кўчат ва бошқа ашёлар сотиб олиши учун имтиёзли кредитлар ажратиш, озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариладиган корхоналарни узлуксиз табиий газ ва электр энергияси билан таъминлаш, боғлар орасига ишлов беришга мўлжалланган минитракторларни лизинг асосида харид қилишни йўлга қўйиш, тоғ ва тоғолди худудларидаги лалмикор майдонларда узумчиликка ихтисослашган фермер ҳўжаликлари ташкил этиш учун молиявий кўмак бериш борасида фикр-мулоҳазалар билдиришди.

Озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажмларини кўпайтириш ва турларини кенгайтиришнинг 2013 йилга мўлжалланган манзилли дастурига киритилган лойиҳаларни белгиланган муддатларда амалга ошириш юзасидан вилоят ҳокими, тегишли вазирлик ва идоралар билан биргаликда мсва-сабзавот ва узум маҳсулотларини ишлаб чиқариш, сақлаш, қайта ишлаш, уларни экспорт қилиш, бу йўналишдаги фермер ҳўжалиklarининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, эришилган натижалар, истиқболдаги вазифалар ҳақида тарқоқ жадваллари тасдиқланди.

Сессияда кўрилган масала юзасида тегишли қарор қабул қилинди.

## «Аёллар қаноти» ташаббуси

# Уч миллиард — аслида биринчи қадам, холос

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада ◀  
**Зиёдулла МЎМИНОВ,**  
«XXI asr»

— Аёлларнинг жамият ҳаётидаги иштирокини янада кучайтиришга йўналтирилган давлат сис-таси ва партиянинг Сайловлид платформасида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида бир қатор лойиҳаларни амалга оширяймиз, — дейди О'zLiDeP Сийсий Кенгаши Ижроия кўмитаси раиси ўринбосари Муҳлис Акрамова. — Хусусан, «Аёллар қаноти» ташаббуси билан 2012 йили хотин-қизлар фаолигини ошириш, уларни кичик ва хусусий тadbirkorликка жалб этиш мақсадида ўтказилган «Тadbirkorлик тамойиллари — ин-дустриаллик имкониятлари», «Соғлом оила — мустаҳкам оила», «Оилавий тadbirkorликдан — мустаҳкам оила» сингари лойиҳаларида Тошкент вилоятдан юздан ортиқ тadbirkor аёллар иштирок этиб, уларга тижорат банклари томонидан 2 млрд. 243 млн. сўм миқдорда кредитлар ажратилишига эришилди.

Натижада хотин-қизлар учун 200 га яқин янги иш ўрни ташкил этилди. Касб-ҳунар коллежларини тугатган ёшлар ўртасида ўтказилган «Диплом билан — бизнес» акциясида голий чиққан қизлар ҳам имтиёзли кредитлар асосида ўз бизнесларини йўлга қўйдилар. Жорий йилнинг биринчи чорагида ишбилармон хотин-қизлар учун тижорат банклари томонидан 932 млн. сўмлик кредит маблағлари ажратилди. «Аёллар қаноти» фаолиятининг таъкидлашича, йил охиригача бу кўрсаткич уч миллиарддан ошади.

— Янгийўл туманида ташкил этилган «Оилавий тadbirkorлик — аёллар бандлигини таъмин-лашнинг муҳим омили» мавзундаги тadbirkor кутилганидан ҳам ўзгача ўтди, — дейди М.Жамолдинова. — Чунки давра суҳба-тига туман бўйича 50 нафарга яқин сафдошимизни таъкиф этган бўлсак, Чиноз, Урта Чирчиқ, Куйи Чирчиқ ҳамда Янгийўл туманларининг узок-қўйган қишлоқларидан ҳам 100 нафардан зиёд хотин-қизлар иштирок эт-

дилар. Ушбу тadbirkor бежиз Янгийўлда ташкил этилмади. Чунки вилоятнинг бошқа худудларига нисбатан мазкур туманда хотин-қизлар ибратли, ўрғана арзигу-лик ишларни амалга оширмоқдалар.

Масалан, Дилбар Холмуродова Янгийўл ижтимоий-иқтисодий касб-ҳунар коллежини тугатгач, тумандаги «Баркамол авлод» болалар марказига ишга кириб, устози Хуррият Нурматова билан бирга ёшларга тикув-чилик, қандолат маҳсулотлари тайёрлаш сирларини ўргата бошладилар. — Келажакда устозим Хуррият опа сингари ишбилармон бўлмоқчиман, — дейди Дилбар. — Бу ишда менга «Аёллар қаноти» энг яқин маслаҳатчи ва кўмакчи бўляпти. Ниятим фақат тadbirkor бўлишгина эмас, балки партия фаоли сифатида О'zLiDeP голярини ҳам кенг тарғиб этишдир.

Давра суҳбатига Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари Робохон Абдураасулова,

Муҳаббат Тўхтаева, Нодира Каримова ҳам сўзга чиқиб, тadbirkorлик фаолиятига оид қонун ва ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар жойларда хотин-қизлар, ёшлар учун қулай сингарилик муҳити яратишга хизмат қилаётганини, натижада жойларда тadbirkor аёллар сони ортиб бораётганини таъкидладилар.

Ҳақиқатан ҳам, мутахассислар Тошкент вилоятида индустриалармон опа-сингиларимиз сони ҳар йили 300-400 нафарга кўпаяётганини қайд этмоқдалар.

— Янгийўлда 600 нафарга яқин партия аъзоси бўлиб, улар 43 та БПТга биришган, — дейди О'zLiDeP туман кенгаши маслаҳатчиси Нодира Жумадуллоева. — Бундан 3-4 йил аввал хотин-қизларни сафимизга жалб этишга ўзимиз ҳаракат қилган бўлсак, энди хотин-қизларнинг ўзлари О'zLiDeP сафида бўлиш истагини билдиришмоқда. Бугунги тadbirkor ҳам касб-ҳунар коллежларини тугатиб, ўз бизнесларини йўлга қўйган 5 нафар қизимиз О'zLiDeP аъзолига қабул қилинди.

## Акс-садо

# Ҳисоб палатаси хулосалари хатоларни тuzатиш имконини берапти

«XXI ASR» ГАЗЕТАСИ САҲИФАЛАРИДА ЭЪЛОН ҚИЛИНАЁТГАН ИЖТИМОЙ ҲАЁТИМИЗДАГИ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРНИ КЕНГ ЎҚУВЧИЛАР МУҲОКАМАСИГА ОЛИБ ЧИҚИШ ҲАМДА УЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ЙЎЛЛАРИНИ ИЗЛАБ ТОПИШГА ҚАРАТИЛГАН МАҚОЛАЛАР ЮРТДОШЛАРИМИЗНИ БЕФАРҚ ҚОЛДИРМАЯПТИ

**Фарход ТУРҒУНБОЕВ,**  
Фалсафа фанлари доктори, профессор, халқ депутатлари Фарғона шаҳар кенгаши депутати

Зеро, мазкур нашрнинг 2013 йил 2 май сонида «Жамоатчилик назорати» руқни остида чоп этилган «Давлат маблағларидан ким қандай фойдаланмоқда?» мақоласи ҳам долзарблиги, далил ва рақамларнинг аниқлиги, халқ мулкни кўз қорачиғидек асраб-авайлаш, унга кўз олайтирмоқчи бўлган айрим кимсаларга нисбатан мурасасиз кураш олиб бo-рилайётганлига қаратилган билан ўқувчиларда катта қизиқиш уйғотди.

Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасининг 2012 йилдаги фаолиятига оид маълумотлар асосида тайёрланган мақолада давлат маблағларидан ўринли ва самарали фойдаланиш, уларни аниқ мақсадларга йўналтириш бўйича Хоразм ва Бухоро вилоятларида аниқланган қонунбузилиш ҳолатларига доир хулосалар ўқувчи эътиборини тортиб, ён-атрофимизда содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларга баъзан мўлжал қилишга қаратилган маълумотларни қўриштириш орқали жамиятимизда қонун устуворлигини таъминлаш, содир бўлиши мумкин бўлган негатив ҳолатларнинг олдини олиш, тadbirkorлар учун қулай муҳит яратиш орқали давлат ва халқ мулкидан самарали фойдаланишга эришишидир.

Шу маънода «Давлат маблағларидан ким қандай фойдаланмоқда» мақоласида қайд этилган рақам ва хулосалар вилоятда бу бo-рада тўғри йўл танланаётганини кўрсатиши баробарида айрим соҳа ва тизимларда йўл қўйилши мумкин бўлган камчилик ва нуқсонларнинг ҳам олдини олишга хизмат қилади, десак муболаға бўлмайдди.

Фарғона вилояти ҳокимилиги наشري — «Фарғона ҳақиқати» газетаси ҳам тобора жамоатчилик ва депутатлик назоратини кучайтиришга қаратилган минбарга айланиб бормоқда. Унинг ҳар сониди давлат мулкни турли йўллар билан талон-тарож қилишга уринаётган кишиларнинг кирдиқорлари аёвсиз қош қилинаётганлиги жамоатчилик эътиборидан четда қолмапти.

Мухтасар қилиб айтганда, тadbirkorлар ва индустриаларман манфаатини ҳимоя қилаётган О'zLiDeP наشري — «XXI asr» газетасида чоп этилган «Давлат маблағларидан ким қандай фойдаланмоқда?» мақоласи ҳар биримиз учун бефарқлик ва лоқайдликдан эҳтиёт бўлиш, халқ ва давлат мулкни асраб-авайлашга қаратилган маънавий туртки бўлди десак, муболаға бўлмайдди. Аини пайтда бу мақола депутатларга жамоатчилик назоратини янада кучайтиришда матбуотнинг қучидан самарали фойдаланиш имкониятларини ҳам кенгайтиришга қақарилади.

## Хабарлар

### НУРОТАНИНГ ЯНГИ ҚИЁФАСИ



Илгари Нурота ҳақида гап кетганда кўз ўнгимизда пастқам иморатлар ва таъмирталаб йўллардан иборат кўримсизгина манзара намоён бўлар эди. Кейинги йилларда бу ерда амалга оширилган ободонлаштириш ва бунёдкорлик ишлари натижасида туман маркази қиёфаси тубдан ўзгарди. — 2010-2011 йилларда «Чашма» тарихий-меъморий обидаси тўлиқ қайта қурилган бўлса, 2012-2013 йиллар давомида унга элтувчи йўллар кенгайтирилди. Пастқам иморатлар ва қаровсиз ётган «хандак» ўрнида барпо этилган 3,5 гектарлик боғ шаҳримиз кўрқига-кўрк кўшди, — дейди О'zLiDeP аъзоси, халқ депутатлари вилоят кенгаши депутати Акмал Халилов. — Ушбу юмушларни амалга оширишда тумандаги барча корхона, ташкилот ва уюшмалар, маҳалла ҳамда таълим муассасалари жамоалари фаол иштирок этди. Бу ерда қисқа фурсатда 7 минг тупдан зиёд арча, шамшод, крим қарагайи, каштан, япон сафораси сингари манзарали дарахт кўчати ўтказилиб, 10 мингга турли-туман анвоий гул экилди. Мансур АСЛОНОВ.

### КОМПЬЮТЕР ҲАМ ЎЗИМИЗДА ИШЛАБ ЧИҚАРИЛМОҚДА

Иштихон туманидаги «Yosh Kuch Elektronics» МЧЖнинг замонавий компьютерларга бўлган талаби тобора ортиб бормоқда. Жанубий кореялик тadbirkorнинг 100 минг АҚШ долларлик инвестицияси эвазига амалга оширилган мазкур лойиҳа асосида шу вақтга қадар тумандаги корхона-ташкилотлар ҳамда тadbirkorлик субъектларига 200 дан ортиқ компьютер жамланмаси ва ноутбук сотилгани, ўз навбатида, туман ҳокимилиги «Yosh Kuch Elektronics»да ишлаб чиқарилган 5 та компьютерга харидор бўлганини таъкидлаш мумкин.

— Яқин кунларда маҳсулотлар турини кўпайтириб, ҳар кун 50 донагача LCD телевизори ҳамда 100 та компьютер йиғишни режалаштирмоқдамиз, — дейди МЧЖ раҳбари Акрам Тошматов. Маълумотларга кўра, ўз маҳсулотларини ички бозордан ташқари Жанубий Кореяга ҳам экспорт қилаётган корхона компьютер, ноутбук ва телевизорларни бошқа хорижий давлатларга ҳам сотишни кўзламоқда. Мухаббат ПАВЛАНОВА.

# БОШЛАНҒИЧ ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИДА



## ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ.

ҚОНЛИҚУЛ ТУМАН КЕНГАШИ ТОМОНИДАН «O'ZLIDEP БОШЛАНҒИЧ ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИНИНГ ХУДУДЛАР ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНИШИДА ВА ПАРТИЯНИНГ ДАСТУРИЙ МАҚСАДЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРИШДАГИ ТУТГАН ЎРНИ ВА ВАЗИФАЛАРИ» МАВЗУИДАГИ ЎҚУВ-СЕМИНАРДА ЭЛЕКТОРАТНИ ЎЙЛАНТИРАЁТГАН МУАММОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ БЎЙИЧА ҚУЙИ БЎҒИНЛАРНИНГ НАМУНАВИЙ ИШ РЕЖАСИНИ БПТ ҲАМДА МАҲАЛЛИЙ КЕНГАШЛАРДАГИ O'ZLIDEP ДЕПУТАТЛАРИ БИЛАН ҲАМКОРЛИҚДА ИШЛАШ МЕХАНИЗМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ.



## НАВОИЙ.

O'ZLIDEP НАВОИЙ ТУМАН КЕНГАШИДАГИ БОШЛАНҒИЧ ТАШКИЛОТНИНГ «ХУДУДА ИНВЕСТИЦИОН МУҲИТИНИ ЯРАТИШ ВА ХОРИЖИЙ САРМОЯЛАРНИ КЕНГ ЖАЛБ ЭТИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ» МУВЗУИДАГИ ЙИГИЛИШДА ЧЕТ ЭЛЛИК ҲАМКОРЛАР ТАЖРИБАСИ КЎРИБ ЧИҚИЛДИ. УНДА ПРЕЗИДЕНТ ФАРМОН ВА ҚАРОРЛАРИДА БЕЛГИЛАНГАН ИМТИЁЗЛАРНИ КЕНГРОҚ ТАРҒИБ ЭТИШ ЛОЗИМИЛИГИ АЛОҲИДА ТАЪКИДЛАНДИ.

2013 ЙИЛ 23 МАЙ, ПАЙШАНБА, 20 (496)-СОН

web sayt: www.21asr.uz, e-mail: xxi\_asr@mail.ru

### КҮН ТАРТИБИДА — ФЕРМЕРЛИК ҲАРАКАТИНИНГ УСТУВОР ВАЗИФАЛАРИ

O'zLiDeP Жиззах вилоят кенгаши ташаббуси билан Мирзачўл туманининг «Ержар» маҳалла фуқаролар йиғини қошидаги БПТда «Фермерлик: устувор вазифалар, ёндашувлар, мавжуд муаммолар ва ечимлар» мавзусида давра суҳбати ўтказилди. Тадбирда мамлакатимизда фермер хўжаликларини ташкил этиш, уларга ер участкаларини ижарага бериш, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари томонидан фермер хўжаликларини ривожлантириш ҳамда улар фаолиятига доир меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини қабул қилишга катта эътибор қаратилаётгани таъкидланди. Йиғилишда, шунингдек, Юртбошимизнинг Хотира ва қадрлаш куни муносабати билан ОАВ ходимларига берган интервьюси мазмун-моҳиятини кенг жамоатчиликка етказиш бўйича ҳам аниқ вазифалар белгилаб олинди. Юртбошимиз томонидан билдирилган фикр-мулоҳазалар сиёсий партиялар, жумладан, халқ депутатлари маҳаллий кенгашларидаги депутатлик гуруҳларининг ёшлар тарбиясига сидқидилдан, масъулият билан ёндашувини таъминлашда дастуриямал бўлиши эътироф этилди.

## Мақсадимиз муштарак

«САМАРҚАНДТРАНС-МАРКАЗИ» ҚОШИДАГИ БПТ БЕШ ЙИЛ АВВАЛ 8 НАФАР АЪЗО БИЛАН ИШ БОШЛАГАН БЎЛСА, БУГУНГА КЕЛИБ УЛАР СОНИ 300 НАФАРДАН ОШИДИ

Мухаббат РАВШАНОВА, «XXI asr»



Жорий йилда марказ тасарруфига кирувчи «Зоҳиджон транс», «Азамат транс» ва «СамАлбатрос транс» масъулияти чекланган жамиятларда ҳам бошланғич ташкилотлар фаолияти йўлга қўйилди. — «Самтранс маркази»даги маслаҳатчиларимиз O'zLiDePнинг дастурий гоёларини аҳоли орасида кенг тарғиб этиш баробарида мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қўламли ислоҳотлар жараёнида ҳам фаол иштирок этмоқдалар. — дейди БПТ етакчиси Бахтиёр Шодмонқулов. — Хусусан, ташкилотимиз ташаббуси билан марказга қарашли Оҳалик кўрғонида жойлашган «Автомобилчилар санаторийси»да вилоятдаги меҳрибонлик уйлари ва махсус интернат тарбияланувчиларидан 350-400 нафари ёзги таъилларини мароқли ўтказишга ятти. Шунингдек, мазкур ташкилот бевосита партия турмушига оид тадбирларни ҳам режа асосида ва намунали тарзда ўтказиб келаётгани билан ҳам ҳудуддаги БПТларга ўрнак бўлаётгани. Масалан, ўтган йили деразлар ҳар ойда турли мавзуда давра суҳбатлари, семинар-ўқувлар, қабул қилинаётган янги қонунлар, ҳукумат қарорлари

ижроси бўйича соҳа мутахассисларини жалб этган ҳолда юзма-юз мулоқотлар ўтказилди. Ушбу тадбирларга маҳалла фаоллари, касб-хунар коллежлари талабаларининг тактиф этилгани эса аҳоли ўртасида O'zLiDeP гоёларини янада кенгроқ тарғиб қилиш имконини бериди. Юқорида таъкидланган барча тадбирларга бош-қош бўлган O'zLiDeP фаоли, БПТ етакчиси Бахтиёр Шодмонқулов ҳисобот-сўйлоси йиғилишида бир овоздан ташкилот раислигига қайта сайланди. Аини пайтда Самарқанд шаҳрида йўловчилар узогини яқин қилаётган 400 дан ортиқ автобус ҳамда 925 та йўналиш-

ли такси ҳайдовчиларининг кўпчилигини O'zLiDeP аъзолари ташкил этади. Улар сони йилдан-йилга ортиб бораёпти. Жорий йил аввалида марказ тизимига кирувчи «СамАлбатрос транс» МЧЖда ҳам бошланғич ташкилот ўз фаолиятини бошлади. Унга корхона раҳбари Норимон Аҳмедовнинг ўзи етакчилик қилмоқда. — Марказ тизимида фаолият кўрсатаётган барча жамоалар нодавлат корхоналаридир, — дейди БПТ етакчиси. — Демак, ишчи-хизматчиларимизнинг аксариятини ишбилармонлар ташкил қилади, десак хато қилмаган бўламиз. O'zLiDeP эса бевосита тадбиркорлар қатлами ва манфаатла-

рини ифодаловчи сиёсий кучдир. БПТ кенгаши барчамизни бир маслак атофида бирлаштириб тургани эса фаолиятимизнинг кун сайин кенгайиб боришида алоҳида ўрин тутаяпти. Чунки мақсадлар муштарак бўлган жойда ютуқлар кўнаёверади. «СамАлбатрос транс» МЧЖ аъзоларининг таъкидлашича, корхонада тузилган БПТ кўмагида O'zLiDePнинг дастурий мақсадларини бажаришга қатъий киришилди. Хусусан, партиянинг Сайловолди дастури асосида ишлаб чиқилган лойиҳаларнинг жорий йилдаги муваффақиятини таъминлашда МЧЖ жамоаси ҳам ўз таклифларини тайёрлади.



**ТОШКЕНТ.** O'zLiDeP Бўка туман кенгаши томонидан «Чевар» хусусий корхонаси қошидаги бошланғич ташкилотда «Ўзбекистон ёшлари келажакка ишонч билан қарашмоқда» мавзусида давра суҳбати ташкил этилди. Тадбирда Президентимиз Ислам Каримовнинг «Оксак маънавият — енгилмас куч» асари унда баён этилган фикр-мулоҳазаларни чуқур ўрганиш ёшлар тафаккурини кенгайтиришда муҳим ўрин тутгани, аждоқларимизнинг бебаҳо маданий-маънавий меросини кенг тарғиб этиш ва асраб-авайлаш билан бир қаторда навқирон авлод вакиллари турли зарарли оқимлар таъсирига тушишдан ҳимоя қилишда катта аҳамият касб этиши таъкидланди. Давра суҳбатида «Чевар» хусусий корхонаси раҳбари, БПТ раиси У.Йулдошева сўзга чиқиб, партиянинг ёшлар ўртасида ҳуқуқий саводхонликни оширишга қаратилган хайрли ишлари ҳақида фикр юритди. — Ташкилотимиз аъзоларининг асосий қисмини 18 ёшдан 30 ёшгача бўлган йигит-қизлар ташкил этади. Улар партиянинг ёшларга оид сиёсати ва эътиборини алоҳида қадрлайдилар, — деди БПТ раиси. — Айниқса, йигит-қизларимизнинг сиёсий жараёнларга кенг жалб этилаётгани, янги қонун лойиҳаларини ишлаб чиқишда уларнинг фаол иштироки таъминланаётганини алоҳида таъкидлаш лозим.



**АНДИЖОН.** Балиқчи туманидаги «Урмонбек» қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудда жойлашган қишлоқ хўжалиги коллежидан партия фаоллари ташаббуси билан хотин-қизлар ўртасида жиноятчилик ва диний экстремизмнинг олдини олиш мавзусига оид давра суҳбати бўлиб ўтди. Тадбирда O'zLiDeP Андижон вилоят кенгаши раиси ўринбосари Х.Халилова сўзга чиқиб, аёлларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, уларнинг конституциявий ҳақ-хуқуқларини тўла рўйбга чиқариш, хотин-қизларни турли зарарли оқимлар, миллий менталитетимизга ёт бўлган бузувчи гоёлардан ҳимоя қилиш учун жойларда аниқ чора-тадбирларни амалга ошириш, тарғибот-ташвиқот ишларини янада кучайтириш лозимлигини таъкидлади. Бундай тадбирларни вилоятнинг барча туманларида ўтказиш, уларга кенг жамоатчилик вакиллари жалб этишга келишиб олинди.



### МАРКАЗДА БПТ ТАШКИЛ ЭТИЛДИ

Бағдод туманидаги «Фибродиагностика маркази» масъулияти чекланган жамиятида O'zLiDeP бошланғич партия ташкилоти иш бошлади. 10 нафар тиббиёт ходимини бирлаштирган янги БПТга жамиятнинг фаол аъзоларидан бири Акмалдин Тешабоев етакчи этиб сайланди. — Бошланғич ташкилотимиз яқинда иш бошлаган бўлса-да, унинг ҳар бир аъзоси шу кунгача O'zLiDeP дастурида белгиланган мақсад ва вазифалар билан танишиб чиқдилар, — дейди А.Тешабоев. — Аини пайтда партия лойиҳаларини туман аёллари ва ёшлари ўртасида тарғиб қилиш, бу борада керакли чора-тадбирларни амалга ошириш режасини ишлаб чиқаямиз. Ишончим комилки, партия вилоят кенгаши билан биргаликда олиб борилаётган бу ҳаракатларимиз ўз самарасини беради.

## БПТ кўтарган масала сессияга киритилмоқда

ТЎРАҚЎРҒОН ТУМАНИДАГИ «ШАРҚ» МАҲАЛЛА ФУҚАРОЛАР ЙИҒИНИ ҚОШИДАГИ БОШЛАНҒИЧ ПАРТИЯ ТАШКИЛОТИ ЕТАКЧИСИ КОМИЛАХОН РЎЗИМАТОВА ТАШАББУСИ БИЛАН «ОИЛАВИЙ ТАДБИРКОРЛИК ТЎҒРИСИДА»ГИ ҚОНУННИНГ ТУМАНДАГИ ИЖРОСИ АТРОФЛИЧА ЎРГАНИЛДИ

Ахроржон МУСУРМОНОВ, «XXI asr»

Аини пайтда 196668 киши истиқомат қилаётган ҳудудда 2992 та кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъекти фаолият кўрсатаётганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Барча ҳудудларимизда бўлганидек, Тўрақўрғонда ҳам Президент фармонлари, Вазирлар Маҳкамаси қарорлари ва Олий Мажлис томонидан қабул қилинаётган қонунларда белгилаб берилган қўшимча имтиёзлар туфайли мазкур соҳа изчил ривожланаётган. Айниқса, бу соҳага ёшлар эътибори кучаяётгани энг чекка ҳудудларда ҳам тадбиркорлик учун қулай бизнес муҳити яратилганидандир. Мутахассисларнинг фикрича, 2013 йилнинг I чорагидагина туманда 261 та янги тадбиркорлик тузилмаси рўйхатдан ўтган. Лекин шунга қарамай, бу борада ҳали ишга солинмаган имкониятлар мавжуд эканини алоҳида таъкидлаш жоиз. Халқ депутатлари Тўрақўрғон туман кенгашидаги O'zLiDeP депутатлик гуруҳининг ўтган ҳафтада бўлиб ўтган йиғилишида ана шу масала юзасидан туман Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази директори Шерзод Пулатов, туман ҳокимлигининг тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекцияси бошлиғи Олим Қобуловнинг ҳисоботи эшитилди.

Йиғилишда таъкидланишича, ўтган давр мобайнида туманда оилавий тадбиркорликни ривожлантириш борасида муайян ишлар амалга оширилган.

### O'ZLIDEP УСТАВИДАН

БПТ ПАРТИЯНИНГ АСОСИЙ БЎҒИНИ, ПОЙДЕВОРИДИР. БОШЛАНҒИЧ ТАШКИЛОТ АҲОЛИНИНГ ТУРЛИ ҚАТЛАМЛАРИ ВАКИЛЛАРИ БИЛАН БЕВОСИТА АЛОҚАДА ИШ ЮРИТИШ ВА УЛАРГА ТАЪСИР ЎТКАЗИШ ИМКОНИГА ЭҒА БЎЛГАН ПАРТИЯНИНГ ҚУЙИ ТУЗИЛМАСИДИР.

Жумладан, 2013 йилнинг биринчи чорагида ёшлар учун 107 та янги иш ўрни ташкил этилиб, уларнинг 45 тасига касб-хунар коллежлари битирувчилари ишга жойлаштирилди. Шунингдек, «Оилавий тадбиркорлик тўғрисида»ги қонун тарғиботи бўйича маҳалла фуқаролар йиғинларида 12 та учрашув, 7 та давра суҳбати ўтказилиб, оилавий тадбиркорлик бўйича яратилган имкониятлар ҳақида атофлича тушунчалар берилган. Бундай тадбирлар-



га банк ва солиқ идоралари вакиллари, маҳаллий кенгаш депутатлари жалб этилиб, тадбиркорлик субъектларига рўйхатдан ўтказиш, уларга ҳуқуқий ва амалий масалаҳатлар бериш йўлга қўйилган. — Лекин депутатлик гуруҳи оилавий корхоналарни ташкил этиш ишларини етарли эмас, деб топди, — дейди O'zLiDeP вилоят кенгаши депутатлик бирлашмалари билан ишлаш сектори мудири Орифжон Маҳмудов. — Шунинг

учун ҳам ушбу масалани халқ депутатлари туман кенгашининг сессияси муҳокамасига киритиш юзасидан қарор қабул қилинди. Бундай йиғилишлар вилоятнинг бошқа туманларида ҳам ўтказилиб, уларда оилавий тадбиркорликни ривожлантириш, ёшларни иш билан банд этиш масалалари юзасидан нафақат ижро ҳокимияти, балки депутатлик гуруҳларининг ҳам масъулиятини янада кучайтириш бўйича аниқ чора-тадбирлар ишлаб чиқилмоқда.

### МАҲАЛЛАДА ТАДБИРКОРЛИК РИВОЖИ

O'zLiDeP Дехқонобод туман кенгаши «Бозортепа» қишлоқ фуқаролар йиғинидаги бошланғич ташкилотда «Оилавий бизнесни ривожлантириш: муаммолар ва уларни ҳал этиш йўллари» мавзусида давра суҳбати ўтказди. Унда Президентимиз Ислам Каримовнинг «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш учун қулай ишбилармонлик муҳитини шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармони ҳамда «Оилавий тадбиркорлик тўғрисида»ги қонундан келиб чиқадиган партиявий вазифалар атофлича муҳокама қилинди.



# ЖАРАЁН

Реклама ўрнида



## Юрт равнақи, инсон манфаати йўлида сарфланаётган сармоялар

ЖОРИЙ йилнинг 1 май ҳолатига банк томонидан кичик БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИКНИ ҚўЛЛАБ-қувватлаш учун 13,3 млрд. сўмдан ортиқ кредит ажратилди

Ақбар МУЗАФФАРОВ,  
«XXI asr»



Сўм 300р олинган сурат

Бугун юртимизда амалга оширилаётган туб янгиланишлар, шубҳасиз, иқтисодий ва молиявий соҳадаги ислохотлар билан ҳамбарчас боғлиқдир. Интилиш ва изланиш самарасини банк муассасалари фаолияти мисолида ҳам кўриши мумкин. Жумладан, «Агробанк» очик акциядорлик тижорат банкининг Сурхондарё вилоят бошқармаси молия бозорига ўз ўрни ва маънавияти тобора мустақамламоқда. Бунга асосан миқозларига кўрсатаётган хизматлари сифатини ва маданиятини ошириш орқали эришиб келмоқда. Хусусан, жорий йилнинг 1 май ҳолатига банк томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш учун 13,3 млрд. сўмдан ортиқ кредит ажратилди. Бунинг натижасида 855 та янги иш ўрни яратилди. Ажратилган маблағлардан 1,1 млрд. сўми саноят, 6,4 млрд. сўми қишлоқ ҳўжалиги, 1,6 млрд. сўми савдо ва воситачилик, 1,4 млрд. сўми қурилиш, 1 млрд. сўмдан зиёди машиш хизмат ва 1,8 млрд. сўми бошқа соҳаларга йўналтирилди.

Таълим муассасалари битирувчиларини иш билан таъминлаш, уларни тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш ҳам банк эътиборидан четда қолмапти. Улар банк томонидан ўз вақтида моддий ва маънавий ёрдамдан қўллаб-қувватланмоқда. Мисол учун, 2013 йилнинг 1 май ҳолатига ёш тадбиркорларга 345 млн. сўм миқдорда кредит ажратилиб, улар бошланғич сармоя билан молиявий қўллаб-қувватланди.

Шунингдек, онлайв тадбиркорлик ҳамда ҳўнармандчилик фаолиятини олайлик. Ўтган қисқа вақт орасида мажбурий сўмларга ҳам банк томонидан кредитлар ажратилиб, қўллаб-қувватланди. Уларнинг ўрни кенгайтириш билан манбаига эга бўлишди.

Яна бир нарсани алоҳида таъкидлаш жоиз. Банкнинг вилоят бошқармаси томонидан деҳқон ва фермер ҳўжаликларига чорвачилик, паррандачилик, асаличилик, баллиқчиликни йўлга қўйиш ҳамда ривожлантириш учун яқиндан молиявий ёрдам кўрсатилмоқда. Банк кредитлари ҳисобига амалга оширилган лойиҳалар туфайли ишлаб чиқариш ривожланиб, аҳоли фаровонлиги тобора юксалаётган. Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида қорамолчилик соҳасига 1 млрд. 419 млн. сўм, паррандачиликка 230 млн. сўм, асаличиликнинг ривожлантиришига 145 млн. сўм миқдорда кредит сармоялари ажратилди.

Бир сўз билан айтганда, «Агробанк» ОАТБ Сурхондарё вилоят бошқармаси томонидан йўналтирилаётган маблағлар юрт равнақи, инсон манфаати йўлида сарфланмоқда. Бу эса қўзланган эъзу мақсалларимиз билан тўла муштарақдир.

Реклама

### «COLLEGIAL PROTECT»

#### Ўз хизматини тақлиф этади

Хўрматли тадбиркор ва фермерлар! Тошкент шаҳридаги «COLLEGIAL PROTECT» адвокатлик фирмаси мамлакатимизнинг барча ҳудудлари бўйича келишилган нархларда ўз хизматини тақлиф этади. Яъни, фирма томонидан тадбиркор ва фермерларга зарур юридик ёрдам кўрсатилиши таъминланади. Бу эса соҳа равнақи ва қонунийлигини таъминлашда алоҳида аҳамиятга эгадир.

**Мурожаат учун телефонлар:**  
**8(371) 269-00-40,**  
**(+99890) 982-41-68, (+99893) 502-62-99.**  
Хизматлар лицензияланган!

Реклама

### ЎЗБЕКИСТОН БАНКЛАРИ УЮШМАСИ ҲУЗУРИДАГИ ИҚТИСОДИЁТНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ УСТУВОР Йўналишларидаги инвестиция лойиҳалари бўйича лойиҳа ҳўжжатларини тайёрлашни молиялаштириш фонди кичик бизнес ва хўсусий тадбиркорлик субъектларининг лойиҳа гоёлари бўйича танлов эълон қилади

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2011-2015 йилларда республика молия-банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишни устувор йўналишлари тўғрисида»ги 2010 йил 26 ноябрдаги ПҚ-1438 ва «Кичик бизнес ва хўсусий тадбиркорлик йили» Давлат дастури тўғрисида»ги 2011 йил 7 февралдаги ПҚ-1474-сонли қарорлари ижросини таъминлаш ҳамда кичик бизнес ва хўсусий тадбиркорлик субъектларининг инвестиция лойиҳаларидаги иштирокини рағбатлантириш орқали улар учун янада қўлай шартнолар яратиш мақсадида Ўзбекистон банклари уюшмаси ҳўзурида инвестиция лойиҳалари бўйича лойиҳа ҳўжжатларини тайёрлашни молиялаштириш Фонди ташкил этилди.

**Фонд томонидан лойиҳа гоёлари ва уларнинг лойиҳа ҳўжжатларини молиялаштириш танлов асосида амалга оширилади ҳамда республика тижорат банклари томонидан молиялаштирилишига қўмаклашилади.**

Танлов қуйидаги йўналишларда ўтказилади: янги ишлаб чиқаришни ташкил этиш, жорий фаолият кўрсатаётган саноят корхоналарини модернизациялаш, техник ва технология жиҳатдан қайта жиҳозлаш ҳамда янгилаш.

Танловга инвестицион жозибадорликка ва саноят соҳасида татбиқ этиш истикболига эга, шунингдек, маҳаллий хомашё ва материаллардан фойдаланган ҳолда маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтириш, сифатини яхшилаш ҳамда меҳнат унумдорлигини ошириш имконини берувчи ва бошқа гоёлар қабул қилинади.

Танловда ўз лойиҳа гоёлари ҳамда улар бўйича лойиҳа ҳўжжатларини тайёрлаш ва молиялаштириш учун юридик шахслар иштирок этишлари мумкин.

Танловда қатнашниш учун қуйидаги ҳўжжатлар тақдим этилиши лозим:  
Ариза (намуна бўйича);  
Инвестиция тақлифи (намуна бўйича);  
Инвестиция тақлифи паспорти (намуна бўйича).

**Батафсил маълумот учун:**  
Тел.: +998 71 238-69-07, +998 71) 238-69-08;  
Web-sayt: www.fpd.uz; E-mail: pdf.fund@gmail.com

Манзил: Тошкент шаҳри, 100027, Шайхонтоҳур тумани, Асадулла Хўжаев кўчаси, 1-уй. Ўзбекистон банклари уюшмаси биноси, 15-қават. Мўлжал: «Истиклол» санъат саройи, «Бунёдкор» метро бекати.

Реклама ўрнида

### 20 МАЙ — БУТУНЖАҲОН МЕТРОЛОГИЯ КУНИ

## Юксалиш пиллапоялари

МАЪЛУМКИ, «МЕТРОЛОГИЯ» — ЎЛЧОВЛАР ВА УЛАРНИНГ ЯҲОНА БИРЛИКДА БўЛИШИНИ ТАЪМИНЛОВЧИ ҲАМДА АНИҚЛИККА ЭРИШИШ ЙўЛЛАРИНИ ЎРГАТУВЧИ ФАН ҲИСОБЛАНАДИ

**Йўлчи РўЗИЕВ,** Навоий Синов ва сертификатлаштириш маркази ДК «Ўлчаш воситалари устидан давлат метрологик текшируви» бўлими бошлиғи

Мамлакатимизда ушбу соҳа ривожига айнан мустақиллик йилларида том маънода киришилди, дейиш мумкин. Буни бўлими-миз фаолияти мисолида ҳам кўраёмиз. Агар истиқлолгача миқозларга атиги 6-7 та ўлчаш йўналишидаги метрологик хизматлар кўрсатилган бўлса, айни кунда бу кўрсаткич бир неча баробарга ошди, йўналишлар сони 14 тага етди. 2012 йилда АҚШдан 22 миң 959 ЕВРО маблағ ҳисобига МС-5R русумли кўп функцияли қисқа муддатларда, сифатли калибратор, 22,5 миллион сўмга КАС-КАД-2П русумли машиш сув ҳисоблагичлари қисқасла қўрилган ҳамда салькам 1 миллион сўмга электрон минометр харид қилинди. Замонавий ўлчаш воситалари ҳисобига ҳам моддий-техника базамиз мустақамланди. Шунинг ҳисобига янгидан 3 та ўлчаш (ҳарорат, физик-химик, босим ва бўшлиқ) йўналишлари бўйича 6 турдаги ўлчов воситаларини қисқаслаш ўзлаштирилди. Натижада 2011 йилга нисбатан 135,2 фоизлик ўсиш суръатига эришилиб, ишлаб чиқаришнинг барча жаҳдаларида қўлланилаётган 83,8 миң дона турли русулдаги ўлчов воситалари давлат қисқасловида ўтказилди. 618 дона синов ускуналари эса метрологик аттестация қилинди.

Таъкидлаш жоиз: йилдан-йилга мутахассисларимиз учун қўлай шартнолар яратилаётгани ҳамда синов лабораторияларининг янги техника ва технологиялар билан таъминланиши мураккаб синов — метрологик амалиётларини юқори аниқлик ҳамда қисқа муддатларда, сифатли калибратор, 22,5 миллион сўмга КАС-КАД-2П русумли машиш сув ҳисоблагичлари қисқасла қўрилган ҳамда салькам 1 миллион сўмга электрон минометр харид қилинди. Замонавий ўлчаш воситалари ҳисобига ҳам моддий-техника базамиз мустақамланди. Шунинг ҳисобига янгидан 3 та ўлчаш (ҳарорат, физик-химик, босим ва бўшлиқ) йўналишлари бўйича 6 турдаги ўлчов воситаларини қисқаслаш ўзлаштирилди. Натижада 2011 йилга нисбатан 135,2 фоизлик ўсиш суръатига эришилиб, ишлаб чиқаришнинг барча жаҳдаларида қўлланилаётган 83,8 миң дона турли русулдаги ўлчов воситалари давлат қисқасловида ўтказилди. 618 дона синов ускуналари эса метрологик аттестация қилинди.

Таъкидлаш жоиз: йилдан-йилга мутахассисларимиз учун қўлай шартнолар яратилаётгани ҳамда синов лабораторияларининг янги техника ва технологиялар билан таъминланиши мураккаб синов — метрологик амалиётларини юқори аниқлик ҳамда қисқа муддатларда, сифатли калибратор, 22,5 миллион сўмга КАС-КАД-2П русумли машиш сув ҳисоблагичлари қисқасла қўрилган ҳамда салькам 1 миллион сўмга электрон минометр харид қилинди. Замонавий ўлчаш воситалари ҳисобига ҳам моддий-техника базамиз мустақамланди. Шунинг ҳисобига янгидан 3 та ўлчаш (ҳарорат, физик-химик, босим ва бўшлиқ) йўналишлари бўйича 6 турдаги ўлчов воситаларини қисқаслаш ўзлаштирилди. Натижада 2011 йилга нисбатан 135,2 фоизлик ўсиш суръатига эришилиб, ишлаб чиқаришнинг барча жаҳдаларида қўлланилаётган 83,8 миң дона турли русулдаги ўлчов воситалари давлат қисқасловида ўтказилди. 618 дона синов ускуналари эса метрологик аттестация қилинди.

йилнинг шу даврига нисбатан 5759 та кўп, жами 21172 та турли ўлчов воситалари қисқаслангани, 168 та синов ускуналари метрологик аттестациядан ўтказилганини кўрсатайти. Қисқасланган ўлчов воситаларининг 801 таси давлат стандарти талабларига жавоб бермаганини сабабли фойдаланишга яроқсиз, деб тошилди.

Бундай натижалар ҳақида сўз борганида соҳа ривожининг асосий таъинчи — малакали кадрлар тайёрлашга ҳўкумат сиёсати даражасида эътибор қаратилаётганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Зеро, мустақиллик туфайли республикамиз олий ва ўрта махсус ўқув юртиларини битирган кадрларимизнинг сафимизга қўшилаётгани қувонарли ҳол, албатта. Шу ўринда 2013 йил охиригача харид қилинадиган янги ускуналар ҳисобига ўзлаштириладиган йўналишларда 7 та янги иш ўрни ташкил этиш ва уларга ёш мутахассисларни қабул қилиш режалаштирилганини таъкидламоқчимиз.

Мансур АСЛОНОВ тайёрлади.

### РЕКЛАМА



## ҲўРМАТЛИ ЮРТДОШЛАР! «АСАКА»

ДАВЛАТ-АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ БАНКИ (ОЧИК АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ)

қуйидаги мuddатли омонат турларини тақлиф этади:

миллий валютада

### «ФАРОВОН ТУРМУШ»

Омонатнинг сақланиш мuddати 12 ва 18 ой бўлиб, ҳисобланган фоизлар олдиндан ёки омонат мuddати тугагандан сўнг берилади.

хорижий валютада

### «ИШОНЧЛИ» (АҚШ ДОЛЛАРИДА)

Омонатнинг сақланиш мuddати 12 ой бўлиб, ҳисобланган фоизлар олдиндан ёки омонат мuddати тугагандан сўнг берилади.

Ушбу омонат турларини банкнинг барча филиалларида очиб мумкин. Мурожаат учун: «Асака» банк (ОАЖ) филиаллари телефонлари: 120-39-81, 120-39-60, 120-39-63.

Филиаллар	Код	Телефон
Тошкент шаҳар филиали	371	120-83-13
Автопанспорт филиали	371	120-39-95
Шайхонтоҳур филиали	371	140-39-36
Юнусобод филиали	371	221-80-67
Сергели филиали	371	258-67-49
Тошкент вилоят филиали	371	120-84-13
Анджон вилоят филиали	374	224-40-96
Асака филиали	374	233-13-69
Фарход филиали	374	226-97-53
Фаргона вилоят филиали	373	224-70-83
Марғилон филиали	373	237-12-37
Олтиариқ филиали	373	432-10-11
Кўқон филиали	373	452-61-04
Наманган вилоят филиали	369	226-94-75
Навоий вилоят филиали	436	223-54-32
Зарафшон филиали	436	573-18-78
Бухоро вилоят филиали	365	223-71-94
Бухоро шаҳар филиали	365	770-11-27
Самарқанд вилоят филиали	366	231-08-86
Афросиёб филиали	366	221-77-56
Қашқадарё вилоят филиали	375	221-12-93
Сурхондарё вилоят филиали	376	770-82-12
Қорақалпоғистон филиали	361	770-60-59
Хоразм вилоят филиали	362	226-97-78
Сирдарё вилоят филиали	367	225-44-03
Жиззах вилоят филиали	372	226-43-11

Барча омонатларингиз фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди томонидан кафолатланади.

**СИЗНИНГ ОМОНАТЛАРИНГИЗ:**  
— солиқлар ва мажбурий тўловлардан озод!  
— маълумотлари сир сақланиши тулиқ кафолатланади!  
— эгаллик ва тасарруф ҳўқуқи ўз ихтиёрингизда!  
— миқдори чекланмаган!

«Асака» банк (ОАЖ) — сармоянгизни сақланиши ва кўпайишини кафолатлайди!

Хизматлар лицензияланган!

# ХАЛҚАРО ХАЁТ

## Бирни кўриб фикр, бирни кўриб шукр қилиш керак

**ЖАҲОН ҚИШЛОҚ ХўЖАЛИГИ ВА ОЗИҚ-ОВҚАТ ТАШКИЛОТИ ЎТГАН ҲАФТА ЎЗИНИНГ НАВБАТДАГИ ҲИСОБОТИНИ ЭЪЛОН ҚИЛИБ, САЙЁРАМИЗНИНГ 2 МИЛЛИАРДАН ЗИЁД АҲОЛИСИ ОЧЛИК ВА ТўЙИБ ОВҚАТ ЕМАСЛИКДАН АЗИЯТ ЧЕКАЁТГАНИ, УЛАР ҲАШАРОТЛАРНИ ИСТЕЪМОЛ ҚИЛИШГА ЎРГАНИШЛАРИ ЗАРУРЛИГИНИ ҚАЙД ЭТДИ. УНДА ТАЪКИДЛАНИШИЧА, ҚУРТ-ҚУМУРСҚАЛАРНИНГ ОҚСИЛГА БОЙЛИГИ ТўЙИБ ОВҚАТЛАНИШДАН МАҲРУМ БўЛГАН МИЛЛИОНЛАБ БОЛАЛАР УЧУН ҚўШИМЧА ҚУВВАТ БўЛИШИ МУМКИН**

**Зухра МАЖИДОВА**

Ана шундай баёнотлар билан таниганимизда беҳитёр жорий йилнинг биринчи чорагида республика-мизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари бўйича Вазирлар Маҳкамаси йилги ҳисоботида қайд этилган кўйидаги рақамлар моҳиятини чуқурроқ англагандай бўлаемиз.

2013 йилнинг биринчи чорагида мамлакатимизда истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳажми 9,4 фоиз, жумладан озиқ-овқат маҳсулотлари 6,3 фоизга ошди. 39,5 миң тонна сабзавот етиштирилди (2012 йилнинг шу даврига нисбатан 118,2 фоиз). Шунингдек, вилоятларда 580 та чорвачилик, 333 та паррандачилик, 1055 та асаларичилик ва 1,2 миң гектарлик суғий ҳавзаларда 385 та балчиқчилик хўжаликлари ташкил этилди. Натижада 357,3 миң тонна гўшт (106,3 фоиз), 1320,3 миң тонна сўт (107 фоиз), 862,4 миң миллион дона тухум (114,2 фоиз) ишлаб чиқарилди.

Буларнинг барчаси узокни кўзлаб олиб борилаётган тизимли иқтисодий сиёсат самараси, албатта. Бозорларимизнинг қишин-ёзин тўқин-сочинлиги, сархил мевадар ва полдиз маҳсулотларининг мазаси ва таркиби жиҳатдан дунё мамлакатлари орасида етакчилардан бири экани ҳам озиқ-овқат хавфсизлиги масаласида хотир-жамлигимизга асос бўла олади, ал-

батта.

Бу, шубҳасиз, бугунги имкониятлардан ва шундай юрда яшаётганимиздан фахрланиш имконини беради. Дунёнинг қасридадир очлик, қиргин-барот урушлар кечаётгани, норасида гўдаклар бир бурда понга зор экани бугунги дорилмон кунлар қадрига етиш лозимлигини ҳам англашди.

Аmmo шу ўринда ривожланган ва тез ривожланаётган мамлакатларда аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашда ҳеч қандай муаммолар бўлмасда, бошқа омиллар кун тартибидан ўрин олаётганини таъкидлаш жоиз. Бу аynи пайтда озиқ-овқат хавфсизлиги масаласи билан боғлиқдир. Бу борада сўз кетганда, «Е» турдаги ва геги ўзгартирилган маҳсулотлар зараридан келиб чиқиб, тегишли хулосалар чиқариш лозим.

Афеуски, айрим ҳолларда, бундай маҳсулотларнинг оммавий равишда тарқалишига одамларнинг ўзлари сабабчи бўлмоқдалар. Зеро, талаб йўқ жойда таклиф ҳам бўлмайди. Бинобарин, мамлакатимизда етиштирилаётган табиий маҳсулотларимизга жаҳон бозорларида талаб ошаётган бир пайтда баъзи юрдошларимиз соғлиқ учун зарарли бўлган озиқ-овқатларни истеъмол қилишга одатланаётганлар. Шунинг учун ҳам айни кунда «турк кабоб», «лаваш», «чизбургер» номлари остида қўндалик таомномаимизнинг асосига айланиб бораётган «мазали овуқатлар»нинг фойда ва зарари бора-

сида фикр юритишга қарор қилдик.

Тап олиш лозимки, мамлакатимизда умумий овқатланиш ва хизмат кўрсатиш соҳасида «фаст-фуд», яъни иккиламчи овқатлар тайёрлайдиган хизматлар улуши кун сайин ошиб бормоқда. Улар ўзларининг сифатли хизмати ва шарт-шароитлари билан ҳам рақобатчиларни орда қолдирмоқдалар. Шу боис кўпчилик юрдошларимиз шундай тамаддиҳоналарга кўпроқ ташир ўзидагига 350 дап ортиқ «фаст-фуд»лар тайёрлашга ихтисослашган кафе-бар фаолият кўрсатмоқдалар. Уларнинг хизмат кўрсатиш сифати деярли бир хил, яъни Европа стандартларига мослаштирилган. Шунга қарамай, уларда тайёрланаётган овқатларнинг инсон саломатлигига таъсири ҳақида турлича фикрлар билдирилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Эпидемиология, микробиология ва юқумли касалликлар илмий-тадқиқот институти олий тоифали шифокори Ойниса Худоеванинг таъкидлашича, сифатсиз маҳсулотлардан ташкил топган озиқ-овқатларни истеъмол қилиш инсон организмиде овқат ҳазм қилишнинг бузилишига ҳам олиб келади.

— Юрдошларимиз баъзан кўча-кўйда сотилаётган «лаваш» сингари тез тайёр бўладиган таомлар сифати-га эътибор бермай истеъмол қилади-

лар, — дейди О.Худоевона. — Улар чала пишган ёки миқдоридан ортиқча куйдирилган гўштлардан тайёрланади. Буни истеъмол қилган киши, истаймизми-йўқми, ботулизм, яъни овқат хизматлар улуши кун сайин ошиб боради. Бу ҳолатнинг бир неча маротаба тақрорланиши эса ўткир ичак касалликларига сабаб бўлади. Аслида бундай овқатларни тайёрлайдиганлар старди малака ва табиий билимларга эга бўлишлари зарур.

Россиялик диетолог-шифокор Александр Резеповнинг қайд этишича, мунтазам равишда «бургер»ларни тановул қилиш организмда ёғларнинг тўпланишига, ҳатто гармонал ўзгаришларга олиб келади. Натижада эркакларда аёлларга хос белгилар пайдо бўлади. Бундай таомни доимий равишда истеъмол қилганиларнинг турли юқумли касалликларга чалиниши эса тезлашади. Хусусан, бургерларни кетчуп, майонез ва ҳар хил таъм берувчи сунғий қўшимчалар билан истеъмол қилиш ошқозон ва ўн икки бармоқли ичакда яллиғланиш ва ҳатто ошқозон саратонини ҳам келтириб чиқариши мумкин.

Канаданинг Гэлф университети олимларининг тадқиқотлари эса «бургер»ларнинг тўлиқ ҳазм бўлмаслиги ва унинг бир қисми ёғга айланишини исботлади. Бундай таомни доимий равишда истеъмол қилиш тапаннинг ишчилик фаолиятини суъайтиради, ошқозон деворини секинлик билан смирив, ўлимга сабаб бўлувчи касалликларни келтириб чиқаради. Уни қаҳва ва салқин ичимликлар билан бирга истеъмол қилиш эса қон таркибидеги қанд миқдорини 65 фоизгача ошириб юборади. Бу охир оқибатда одам нммуң тизимини заифлаштириб, қанли диабет касаллигини келтириб чиқаради.

Гарвард университети мутахассисларининг фикрича, салқин ичимликларни кунига 2000 ккалдан ортиқ ичиш соғлиққа зарардир. Бундай ичимликларга ружу қўйиш сурункали касалликлар, жумладан, қандли диабет, юрак хасталиги ва саратонни келтириб чиқаради. Газли ичимликлар истеъмол қилиш натижасида ҳар йили дунёда 180 миң нафарга яқин одам вафот этаётгани ҳам кундалик таомномаимизни қайта кўздан кечирिश зарурлигини аниқлатади.

Британиялик олимлар эса ҳафта-сига 3 маротаба «фаст-фуд» истеъмол қилганда бола-ча фарсларни ўзлаштириши тенгқурларига нисбатан бир неча баробарга пасаийб кетишини аниқлади. Бола ўзини атрофдаги ўзгаришларга бейфарқ тута бошлайди, унда эринчоқлик ҳисси кўчади. Шу боисдан Буёқ Британияда бу турдаги таомларнинг оммавий ахборот воситаларидаги рекламаси чекланган.

Жаҳон Соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига кўра, айни кунда 177 миллион бола турли «фаст-фуд»ларни истеъмол қилиши натижасида семизлик ва ошқозон касалликларига дучор бўлган. Ташкилот мутахассисларининг тахминича, 2015 йилга бориб 15 ёшгача бўлган 2,3 миллиард киши ортиқча вази билан боғлиқ турли хас-

таликларга дучор бўлиши мумкин.

Кўриниб турибдики, соғлом турмуш тарзини шакллантириш бевосита истеъмол қилинаётган озиқ-овқатларнинг сифати ва маҳсулдорлиги билан чамбарчас боғлиқдир. Демак, жозибатор кўринган ҳар қандай чет элнинг «хўроққанди»ни инсон соғлиги учун фойдали, деб бўлмайди. Мақолага нуқта қўяр эканмиз, Европа таомларини бутунлай кундалик таомно-

мангиздан чиқариб ташланг, демоқчи эмасмиз. Балки оммавий маданият ниқоби остида мамлакатимиз истеъмол бозорини эгаллаётган тамаддиҳоналар таклиф этаётган сўғилкларни сотиб олаётганда қайси жиҳатларга эътибор қаратиш зарурлигини таъкидламоқчимиз, ҳолос. Зеро, мамлакатимизда инсон ва унинг саломатлигига бежиз бирламчи эътибор қаратилмаётгани йўқ.



## Воқеалар, далиллар, шарҳлар

### ЧАҚАЛОҚЛАР «ФАБРИКАСИ»ГА ЙўЛ Йўқ!



Нигерия полицияси 6 нафар ҳомилдор аёлни болалар савдоси билан шуғулланувчи шахслар искамжасидан кўтқариб олди. Полиция вакиллари айтаётганча, аёллар соқланган жойни «чақалоқлар фабрикаси», дея таърифлаш мумкин. Режа бўйича чақалоқлар дунёга келганидан сўнг уларни сотувга чиқариш кўзда тутилган. Айрим хабарларда айтилишича, бу Эңугу шаҳридаги ягона «чақалоқлар фабрикаси» эмас. Афсусларли томони шундаки, БМТ маълумотлариде ҳам Нигерия одам савдоси эң кенг тарқалган мамлакатлардан бири

сифатида қайд этилмоқда. Айни пайтда мамлакатда йилга 4000 га яқин бола сотилиши айтылапти. Шу ўринда 2011 йилнинг июнь ойида Аба шаҳрида ўтказилган кутқарув операцияси чоғида Cross Foundation хусусий шифохонасида ушлаб турилган, ўз фарзандларини сотишга мажбур бўлган аёллар оғзадан оғзадан аёлларнинг 32 нафари кутқарув даврида ҳомилдор экани маълум бўлганди.

### СУНҚАСДА ПРЕЗИДЕНТ ИЙБДОРМИ?

21 май кун Париж маъбудаси ибодатхонасида Франциядаги эңг машҳур публицист Доминик Веннер ўз жонига қасд қилди. Сўнги пайтларда 78 ёшли Доминик Веннер бир жинсли шахсларнинг никоҳга киришларига қарши фаол иш олиб борган фуқаролардан бири экани таъкидланапти. «Нотр Дам Де Пари»нинг меҳрбон олдиде тушдан кейин содир бўлган суиқасддан уч кун аввал Франция президенти Франсуа Олланд кенг жинсли шахслар никоҳларига рухсат берувчи қонунга имзо чеklang экан. Бундан кейин Веннер ўз расмий сайтыда мазкур иллатга қарши курашишнинг янги йўлларини ишлашда давом этишини ёзган эди. Айни пайтда Доминик Веннернинг сайти ёпилгани айтилмоқда.

### ҚОНУН БАРМОҚЛАРНИ ҲАМ САНАЙ БОШЛАДИ



АҚШда миграция жараёнларини ислоҳ этишга қаратилган янги қонун лойиҳасига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш масаласи кўриб чиқилмоқда. Унга кўра, энди мамлакатга ташриф бурган чет эллик фуқароларнинг бармоқ излари нафақат кириш, балки чиқушда ҳам олиниши белгилаб қўйилмаётган. Агар мазкур қонун қабул қилинса, икки йил мобайнида мамлакатнинг эңг йирик жойи бўлган 10 та аэропортда янги тизим жорий этилади. Олти йил мобайнида эса яна

30 та аэропортда бу тизимдан фойдаланиши йўлга қўйилади. Қонун ташаббускорларининг фикрича, мазкур тизимнинг жорий этилиши халқаро жиноятчилик билан курашиш, гумандор шахслар ва яширин террорчиларни аниқлашда катта ёрдам беради. Тахлилчилар ушбу қонун Сенат томонидан ҳам маъқулланса, бу кейинги 27 йил мобайнида АҚШнинг эңг йирик миграцион қонун бўлишини тилга олаётдилар.

### 14 ЙИЛ АВВАЛГИ ФАЛОКАТ ЯНА ҚАЙТДИ



Сўнги маълумотларда АҚШнинг Оклахома штатида содир бўлган кучли бурон 91 кишининг ҳаётига зомин бўлгани айтилмоқда. Уларнинг 20 нафари болалардир. Яна 120 киши турли жароҳатлар билан шифохоналарга ётқизилган. Икки кун давом этган қуноқлар аксарият уйларда ертўла бўлмагани сабабли аҳолини ночор аҳволга солиб қўйган. Метеорологик маълумотларга кўра, қўлами салкам бир километрге тенг бўлган бурон вақтида шамолининг тезлиги соғатга 321 километрни ташкил қилган.

Шу ўринда Оклахомага қўшни Айова ва Канзас штатлари ҳам торнадо, дўл ва бўрондан зарар кўрганини таъкидлаш лозим. Мазкур штат конгрессмени Том Коул «Си-Эн-Эн» телеканалига берган интервьюсида бундай вайронгарчиликларни тиклаш учун жуда кўп вақт ва маблағ зарурлигини таъкидлади. Бундай офатлар «ўчоғи», дея тилга олинган Оклахомада 14 йил муқаддам ҳам ана шундай ҳодиса юз берган.

Гулноза МУХИДДИНОВА тайёрлади.

## Ижтимоий реклама

### Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси хузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди

## ГРАНТ ОЛИШ УЧУН ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Танлов мавзуси: «Қишлоқ ҳудудларини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларини амалга оширишда, қишлоқ аҳолиси фаровонлигини янада юксалтиришда нодавлат нотижорат ташкилотларининг кенг иштирокини таъминлаш».

Танловда Ўзбекистон Республикасининг нодавлат нотижорат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг қўйидаги йўналишлардаги

лоийҳалари кўриб чиқиш учун қабул қилинади:

— ижтимоий-маиший хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасида олимавий бизнесни, хусусий тадбиркорликни, уй меҳнатини ташкил этиш ва ривожлантириш;

— кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини жалал ривожлантириш асосида янги иш ўринлари яратиш ва аҳолини ишга жойлаштириш;

— минитехнологиялар ишлатиладиган қайта ишлаш корхоналарини ташкил этиш мақсадига ҳудудларнинг имкониятларини ўрганиб чиқишга қўмаклашиш, асосли таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш ва уларни амалга қўлаш;

— ижтимоий ва бозор инфратузилмасини янада ривожлантириш, аҳоли турар жойларини ободонлаштириш борасидаги ишлар кўламини янада кенгайтириш;

#### ТАНЛОВДА ҚАТНАШИШ УЧУН ҚўЙИДАГИ ҲУЖЖАТЛАР ТАҚДИМ ЭТИЛИШИ ЛОЗИМ:

1. Жамоат фонди номига грант лойиҳаси тақдим этилаётганлиги ҳақидаги кузатув хати;
2. Жамоат фондининг [www.fundngo.uz](http://www.fundngo.uz) сайтыда жойлаштирилган шаклда тўлдирилган грант олиш учун лойиҳаси ва унинг электрон варианти [fundngo@parliament.gov.uz](mailto:fundngo@parliament.gov.uz); [fundngo@parliament.gov.uz](mailto:fundngo@parliament.gov.uz) электрон манзилига;
3. Ташкилотнинг давлат рўйхатидан ўтганлиги ҳақидаги гувоҳнома нусхаси;
4. Ниҳом нусхаси (ташқилот мўҳри билан тасдиқланган ўзгариш ва қўшимчалар билан). Бундан ташқари, тақдим этилаётган ҳужжатларга манфаатдор давлат ва жамоат ташкилотларининг тавсияномаси ва мазкур лойиҳани қўллаб-қувватлаш хати илова қилиниши мумкин.

Битта лойиҳа учун ажратиладиган грант миқдори — 15 миллион сўмгача. ННТларнинг ўз маблағларини жалб этиши ва ижтимоий шериклик қўлаб-қувватланади. Танловда давлат рўйхатидан ўтган нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари иштирок этишлари мумкин.

Ҳужжатлар оммавий ахборот воситаларида эълон қилинган кундан бошлаб 2013 йил 1 июнь соат 18.00 га қадар қабул қилинади.

Танлов бўйича ҳужжатлар муҳрланган конвертда (А4 формат): 100035. Тошкент шаҳри, Бунёдкор шоҳ кўчаси, 1-уй манзилида жойлашган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси хузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш Жамоат фонди номига юборилиши шарт.

Танловда иштирок этиш шартлари ва танлов ҳужжатларининг намуналари билан Жамоат фондининг [www.fundngo.uz](http://www.fundngo.uz) расмий сайтыда танишиш мумкин.

Маълумот учун телефон рақамлари: **239-26-76, 239-26-64.**

## Бир ҳовуч дур

Ўз хоҳиш-истакларининг чегарасини билмасликдан ортиқ бахтсизлик бўлмайди.

# СЎНГГИ САҲИФА

## ХАБАРЛАР



### Янги тракторлар фермерларга аталган

2013 йил охиригача мамлакатимизга 300 донга замонавий трактор олиб келинадиган бўлди. UzDaily.uz сайтида хабар қилинишича, Вазирлар Маҳкамаси қарорига мувофиқ, мамлакатимиз ҳукумати томонидан Қишлоқ ва сув хўжалиги ҳамда Иқтисодиёт вазирликлари, Ўзбекистон Фермерлари кенгаши ҳамда «Ўзагрошсервис» ассоциациясининг 2013 йилда истисно тарихида тендер савдоларини ўтказмаган ҳолда занжир тасма (гусеница) ёрдамида ҳаракатланадиган осма ускуна УТО-С1302 (УТО-С1402) 300 донга тракторни сотиб олиш ҳақидаги таклифлари маъқулланган. Шу муносабат билан Тошқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлигига «Ўзагрошсервис» ассоциацияси корхоналариغا Хитойнинг China National Machinery Industry Corporation компанияси билан гусеница тракторлари харид қилиш буйича шартнома имзолаш ишларига амалий ёрдам кўрсатиш вазифаси юклатилган.

### «САРДОР» «АНВОРУЛ ШАМС» НИ ҚўўЛАБ ҚўўЛАДИ

Бухорода тижорат банклари кредити эвазига ишлаб чиқаришни кенгайтираётган тадбиркорлик субъектлари орасида «Анворул Шамс» масъулияти чекланган жамиятини алоҳида тилга олиш мумкин. Бу ёрда тайёрланган 55 турдаги ном, булка ва кондитер маҳсулотлари, турли пиширилган кўпчиликка мансур бўлаётти. «Ипотека банкнинг Савдор филиалидан ажратилган 100 миллион сўмлик кредит эвазига «Анворул Шамс» да ақинда Италия ва Хитойдан келтирилган замонавий технологик линия ўрнатилди. Шу тариха ҳар ойда 4 тонна ном маҳсулотлари тайёрлаш имконияти яратилди. Асқор ИСТАМОВ.

## Президент соврини ўзбек полвонларида

СУРХОНДАРЁ ВОҲАСИ ИККИ КУН ДАВОМИДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ СОВРИНИ УЧУН ҲАКИМ АТ-ТЕРМИЗИЙ ХОТИРАСИГА БАҒИШЛАБ ЎТКАЗИЛГАН АНЪАНАВИЙ ХИ ХАЛҚАРО ТУРНИРИГА МЕЗБОНЛИК ҚИЛДИ

Шухрат Хўжаев,  
«XXI ASR»



Дунёнинг 121 та давлатига кириб борган кураш мутахассислар томонидан энг оммавий спорт турлари қаторидан жой олгани таъкидланмоқда. Зеро, жорий йилнинг 29 июнь-6 июль кунлари Жанубий Корейнинг Инчон шаҳрида ёпиқ иншоотларда ва жанговар яккакурашлар буйича ўтказиладиган IV Осий ўйинлари дастуридан ўрин олган миллий спорт туризмизни айна кунда «Қиёта Олимпиадаси» (спортнинг олимпиа турлари буйича ўтказиладиган Осий ўйинлари) ва Бутунафрика беллашувлари киритиш буйича олиб борилаётган музокара ҳам ҳал қилувчи паллага кирган.

Хусусан, турнирнинг очилиш маросимида Сурхондарё вилоят ҳокими Н.Чориев. Кураш халқаро ассоциацияси президенти К.Юсупов, Халқаро Олимпиада қўмитаси аъзоси, польшалик Ирена Шевинска ва бошқалар жаҳонда энг қизқарли, оммабоп спорт турларидан бири сифатида кенг ривожланиётган кураш халқлар ўртасидаги ўстлик, биродарлик, ҳамжиҳатлик алоқаларини мустаҳкамлашга хизмат қилаётганини таъкидлади.

— Курашнинг тезкор суръатларида оммавийлашган кўпчиликни ажаблантираётгани айна ҳақиқат, — дейди «Инчон-2013» Осий ўйинлари ташкилий қўмитаси аъзоси Чо Хуенг Кеун. — Хусусан, Жанубий Корейда кураш буйича ўтказилган ҳар бир мусобақа том маънода байрамга айланган кетади. Курашнинг ёпиқ иншоотлардаги ва жанговар яккакурашлар буйича Осий ўйинлари дастурига киритилгани сабабли бу гал делегациямиз Ўзбекистонга кенгайтирилган таркибда келди. Хозир Инчон му-

собақаларига қизгин тайёрлик кўриляётгани боис Термизда кураш мусобақаларини ўтказиш буйича имкон қалар кўпроқ тажриба орттириши мақсад қилгандик. Шу ўринда ўта мурасасиз, қизгин ва ҳалол кечган беллашувлар бизда катта таассурот қолдирганини айтиб ўтиш жоиз.

Дарҳақиқат, шу кунни ҳаваскор ва профессионал спортчилар мажмуа стадионига йиғилган 10 мингдан ортиқ кураш илосмандларини зериктириб қўймади. Жумладан, аввалга ёш ва фахрий полвонларнинг кўрғазмали чиқишлари гувоҳига айланган мухлислар кейинчалик уч вази тоифасида ўзаро курашган яккакурашчиларнинг қизқарли беллашувларини томоша қилиш имкониятига эга бўлдилар. Ишқибозларнинг тинимсиз олқишлари-ю ҳайқирқлари остида кечган баҳслар давомида Жанубий Корей, Эрон, Конго, Ҳиндистон, Вьетнам, Исроил, Россия, Таиланд, Жанубий Африка Республикаси каби мамлакатлардан келган полвонлар мусобақанинг дастлабки босқичларини қийинчиликсиз ўтишга муваффақ бўлдилар. Яқуний натижага кўра, биринчи ўрин 66 килограмм вази тоифасида Ўзбекистонлик Шарофиддин Луффулла-

ев ҳамда 81 килограмм вази тоифасида ўтказилган беллашувларда ҳамюртимиз Бекзод Турабоевга насиб этди.

Мусобақанинг энг оғир, яъни мутлақ вази тоифасида ўтказилган беллашувларнинг финалида тожикистонлик Парвиз Собировни мағлубиятга учратган ўзбек полвони Самижон Убайдуллаев турнирнинг мутлақ ғолиби бўлди ва Ўзбекистон Республикаси Президенти соврини — 10 минг АҚШ долларини қўлга киритди. Иккинчи ўрин — тўрт минг долларлик мукофотни тожикистонлик полвон қўлга киритди. Иккинчи ўриннинг банд этган курашчилар — россиялик Владимир Трусов ва эронлик Хосравнижат Саид 1,5 минг доллар миқдоридagi пул мукофотлари билан таъдирландилар.

— Ғолибликни қўлга ки-

ришти осон бўлмади, — деди беллашувдан сўнг Самижон Убайдуллаев. — Эътиборлиси, менга рубару бўлган рақибларнинг барчаси мусобақага жиддий тайёргарлик кўрганини намойиш этди. Шундай бўлса-да, ўзимдаги бор куч-ғайратимни ишга солган ҳолда, қолаверса, мени қўллаб-қувватлаган мухлисларнинг ёрдами билан кўзлаган мақсадимга эришдим. Олинда терма жамоамиз аъзоларини ўта муҳим мусобақалар кутиб турибди. Шундай экан, бизга яратилган шароитлардан унумли фойдаланиб ва билдирилган ишонччи оқлаган ҳолда ана шу беллашувларда ҳам Ватанимиз шарафини муносиб ҳимоя қилишга, шоҳсуланинг юқори ўринларини эгаллашга ҳаракат қилишга ваъда бераман.

### САВОЛ БЕРИҒ, ЖАВОБ БЕРАМИЗ!

«XXI asr» газетасини доимо ўқиб борамиз. Айниқса, юртимизда олиб борилаётган яратувчилик ишлари, кизик-кизик ахборотлар, «Савол беринг, жавоб берамиз!» руқий бизга жуда маъқул бўлмоқда. Яқинда 5-синфда ўқийдиган қизим метр ўлчови қачон қабул қилинган, деб сўраб қолди. Афсуски, бу саволга жавоб бера олмадим. Илтимос, мутахассислар ёрдамида шу саволга жавоб берамиз.

Х.Жиянова,  
(Тошкент шаҳри)

— XVIII-XIX асрларда дунёда санаят тараккий эта бошлағач, истеъмолда мавқуд бўлган турли ўлчов бирликлари давлатларнинг иқтисодий ривожланишига жиддий зарар келтира бошладилар. Нихоят, 1875 йилнинг 20 майида Парижда Халқаро Дипломатик конференцияда дунёнинг 17 мамлакатидан вакиллар йиғилиб, узунлик бирлиги сифатида Ер меридианининг кизик миллион қисмидан бирини қабул қилишни таъкид этди. Шу тариха конференция иштирокчилари машҳур Метрик конвенциясини имзоладилар. Демак, ҳозир фойдаланилаётган метр ўлчови пайдо бўлганга 138 йил тўйди.

Савол «Ўзстандарт» агентлиги мутахассиси Ғайрат Ғоиев жавоб берди.

### ЯНГИЛИК

### «U-Mail.LUZ» ЭНГ ЙИРИК ПОЧТАГА АЙLANИШИ МУМКИН

UZINFOCOM ташаббуси билан интернетнинг миллий сегментидagi электрон почталарга хизмат кўрсатиш тизими жорий этилди. Бир нафар хабар қилинган 2000 нафар фойдаланишчи рўйхатга олишга эришган U-Mail.Luz ҳар бир мижозга спам кўринишидаги керасиз маълумот ва вируслардан ҳимояланган 200 МБ ҳажмли почта қутиларини ҳам тақдим эта бошладилар. Маълум бўлишича, ҳозирча бета-тест (деярли тайёр маҳсулотни синовдан ўтказиш) тизимида ўзбек ва рус тилларида ишлаётган веб-почта хизматларидан интернетнинг (компьютер ва инсон ўртасидаги алоқа) «кенгайтирилган», «планшетли» ва «мобил» сингари уч хил туридан фойдаланиш мумкин. Таъкидлаш жоизки, бунга қадар маҳаллий провайдерлар ва бошқа ташиқлотлар томонидан ишлаб чиқилган электрон почта хизматларининг аксарияти маълум сабабларга кўра фаолият кўрсатмапти. Соҳа мутахассислари «U-Mail.Luz» яқин келажакда интернетнинг миллий сегментда фаолият кўрсатувчи энг йирик электрон почта хизматига айланишини таъкидламоқдалар.

### РЕКЛАМА

**Автомобили УАЗ**

от дилера «SARDOR AVTO INVEST»

**УАЗ Patriot (comfort) — пикап**

Полноприводный (4x4)

ЦЕНТРЫ ПРОДАЖ В ТАШКЕНТЕ:  
Тел./факс: (371) 215-09-11, 215-18-17.  
Тел.: (+99891) 162-99-99, (+99898) 303-90-09.  
(+99895) 177-01-17.

Узнай больше на сайте [www.sardor-avto.uz](http://www.sardor-avto.uz)

**LADA БИЗНЕС**

от дилера «SARDOR AVTO INVEST»

**ВИС-2347, LADA SAMARA, борт.**

**ВИС-2347, LADA SAMARA, фургон.**

**ВИС-2346, LADA NIVA, 4x4.**

**ВИС-23461, LADA NIVA, 4x4.**

ЦЕНТРЫ ПРОДАЖ В ТАШКЕНТЕ:  
Тел./факс: (371) 215-09-11, 215-18-17.  
Тел.: (+99891) 162-99-99, (+99898) 303-90-09.  
(+99895) 177-01-17.

Узнай больше на сайте [www.sardor-avto.uz](http://www.sardor-avto.uz)

### РЕКЛАМА

**РЕСПУБЛИКАМИЗДАГИ ВАЗИРЛИК, ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ЎҚУВ ЮРТЛАРИ, ТИББИЁТ МУАССАСАЛАРИ, КОРХОНА ВА ТАШКИЛОТЛАР ДИҚҚАТИГА!**

«ШАРҚ ИМП ЭКС» туристик компанияси Бухоро, Самарқанд, Тошкент, Хива шаҳарлари бўйлаб барча қулайликлар асосида саёхатлар уюштиришини маълум қилади.

**НАРХЛАР КЕЛИШИЛГАН ҲОЛДА АМАЛГА ОШИРИЛАДИ.**

Маълумот учун телефонлар:  
(+99898) 273-02-95, (+99895) 257-04-60

Хизматлар лицензияланган!

**«NAVOIYAZOT» ОАЖ**

ОРГАНИК СИНТЕЗ МАҲСУЛОТЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИ ЭТАКЧИ КОРХОНА ҚўЙДАГИ ГАЗЛАРНИ СОТУВГА ТАКЛИФ ЭТАДИ:

- газсимон кислород
- аргон
- углерод диоксида
- ацетилен
- азот

[www.navoiyazot.uz](http://www.navoiyazot.uz)

Ўзбекистон Республикаси, 210105, Навои-5  
Факс: (+99879) 223-75-80  
Маркетинг бўлими: (+99879) 229-29-99  
e-mail: market@navoiyazot.uz

СОТУВ БўЛИМИ:  
(+99879) 229-27-35, 229-21-68  
e-mail: sale@navoiyazot.uz

Маҳсулот сертификатлашган!